



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих факультети
Умумий тарих кафедраси
IV босқич “Б” гуруҳ талабаси
Аҳмедова Дилнозанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: VI-XII асрларда Византия меъморчилиги



Илмий раҳбар:

т.ф.н., доцент Мамажонов А.

А Н Д И Ж О Н - 2 0 1 1

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
---------------	---

I-БОБ.

2. Юстиниан даврига ва VII – IX аср ўрталарига доир Византия меъморчилиги.....	6
---	---

II-БОБ.

3. IX асрнинг II – ярми – XII асрларда меъморчиликнинг ривожланиши.....	27
--	----

III-БОБ.

4. Византия архитектурасини шаҳарсозлик билан узвий боғлиқлиги масаласи.....	42
---	----

5. Хулоса.....	53
----------------	----

6.Фойдаланилган адабиётлар	56
----------------------------------	----

Кириш

**Жамият тараққиётининг асоси, уни
муқаррар ҳалокатдан қутқариб
қоладиган ягона куч - маърифатдир.**

И.Каримов

Биритирув малакавий ишининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида: “муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак”, - деб таъкидлаган.¹

Жаҳон меъморчилиги тарихини ўрганиш, унинг тараққиёт қонунларини текшириш, нодир ёдгорликлар билан одамларининг хис-туйғу, ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий - эстетик қарашларининг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз инсонга ҳаётий тажрибаларни бойитишга, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради.

IV аср охирида, яъни 395-йилда Рим империяси ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинади. Бу ҳодиса билан феодал ижтимоий - иқтисодий муносабатлари ривожланишига асос солинади. Рим империясининг бўлиниб кетиши билан Қадимги дунё тарихига хотима берилади.

Инсоният тарихидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш соҳаларида янги давр бошланди. Бу давр феодал муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Феодал муносабатлар империянинг шарқий қисми — Византияда тезроқ шакллана бошлади. Империя пойтахтининг 330-йилда Византия шаҳрига кўчирилиши ҳам бу жараёнларга ўз таъсирини кўрсатди.

Византия маданияти ва меъморчилиги антик маданият анъаналари ва шарқ давлатлари маданияти таъсири остида шакллана борди. Византия меъморчилигида Рим меъморчилиги ва Шарқ меъморчилиги элементлари уйғунлашади.

Византияда, феодал муносабатлар даври меъморчилигида, умуман олганда уч асосий типологик хусусиятни кўрсатиб ўтиш мумкин:

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. : 1998й. 28-б

1. Мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳар ва қалъалар қурилиши.
2. Монастир комплекслари қурилиши.
3. Асосий диний иморат — ибодатхоналар қурилиши.

Европада феодал муносабатлар даври — ўрта асрларда христиан дини ёйилиши билан ибодатхона ва бошқа диний комплекслар қурилиши кенг тарқалади ва бу турдаги бинолар жамоат бинолари орасида етакчи ўрин тутди. Бундай бинолар диний маросимлар ўтказилиши билан бир қаторда жамоат йиғинлари ўтказиш учун ҳам хизмат қилади. Ибодатхоналар қошида мактаб ва кутубхоналар, касалхона ва бошқа даволаниш муассасалари ташкил қилинади.

Рим империясининг ғарбий қисмида христиан динининг католик маҳзаби йўналиши, Византияда эса православ маҳзаби кенг тарқалади. Бунинг натижасида меъморчиликда ҳам ўзига хос бадиий хусусиятлар шаклланади. Бунинг асосий ифодаси сифатида ғарб маданиятида базилика типига бинолар, Шарқий маданият — Византия меъморчилигида эса гумбазли базилика туридаги бинолар қуриш кенг тарқалади.

Византия меъморчилигида хашаматли монастир ва ибодатхоналар ансамблини яратиш етакчи ўринни эгаллайди. Бу ансамбль типлари ранг-баранг бўлгб, айниқса, Византия учун антик ижтимоий маъмурий биноларни қуриш санъати анъаналари асосида қурилган марказий гумбазли ва чўзиқ базилика типига ибодатхоналар қурилиши характерлидир.

VI - XII асрларда Византия меъморчилиги тарихига оид шу кунга қадар мавжуд бўлган барча дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий адабиётлар ва интернет маълумотларини ўрганиб, тадқиқотчиларнинг улардаги турли қарашлари ва ёндашувларини таҳлил этиш мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишимизнинг мақсади VI – XII асрларда Византия меъморчилигини ривожланиб бориши ҳамда унинг шаҳарсозлик билан узвий боғлиқлиги масаласига асосий эътиборни қаратиб, бу йўналишда амалга оширилган ишларни тавсифлаш ва тўпланган маълумотлар асосида мавзунинг таҳлил қилиб, ёритиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифаси:

биринчидан, Юстиниан даврига ва VII – IX аср ўрталарига доир Византия меъморчилигининг ўрганиш;

иккинчидан, IX асрнинг II – ярми – XII асрлар мобайнида Византияда меъморчиликнинг ривожланишидаги ўзгаришларни изоҳлаб бериш;

учинчидан, Византия меъморчилигини шаҳарсозлик билан узвий боғлиқлиги масаласига доир илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, Византия меъморчилиги ўрта асрлар тарихида, хусусан, ғарб ва шарқ меъморчилигининг айрим элементларини ўзида мужассамлаштириб, ўзига хос ўрин тутади. Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан олий ўқув юртларида тарих факультети талабалари реферат ва курс ишларини тайёрлашда, семинар машғулотлари ўтказишда ҳамда ушбу Битирув малакавий ишининг материалларидан мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилган тарих фани тўғаракларида ва факультатив дарсларда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан иборат бўлиб, битирув малакавий иши мазмунига қўйилган талабларга мос келади.

I-БОБ.

1. Юстиниан даврига ва VII – IX аср ўрталарига доир Византия меъморчилиги.

Милоддан аввалги 660-йилда юнонлар Босфорнинг Мармар денгизига чиқиш жойида Византий шаҳрини барпо этган эдилар. Кейинчалик Византия давлатининг номи ҳам бу шаҳар номидан келиб чиққан. Рим империясининг сўнгги даврларида (324-йилда) «Янги Рим» барпо этилди. Кейинчалик бу пойтахтнинг асосчиси бўлган император исмини олиб «Константинопол» деб атала бошланди. Константинопол шаҳри Римга ўхшаб етти тепаликда жойлашган бўлиб, майдони жиҳатидан Римдан анча катта бўлган. Константинопол шаҳрининг худуди V асрнинг биринчи ярмида, император Феодосий II давридан бошлаб, ғарбга қараб кенгая борди. V асрнинг иккинчи ярмида бутун шаҳар деворлар билан қуршаб олинди. Қўрғон деворда жами 400 бурж бўлган. Олтин дарвозадан бошланадиган ўрта кўчада бир қанча форум бўлган. Меса кўчаси Амастрид форумида шаҳарнинг шимолий, Андрианопол дарвозасидан бошланадиган иккинчи муҳим кўча билан кесишган. Энг катта форум Феодосий форуми бўлиб, унинг марказида Қадимги Мисрнинг Гелиопол шаҳридан олиб келинган обелиск ўрнатилган. Асосий форум Августеон форуми эди. Унда Миллий (устун) ўрнатилган эди. Қадимги Римда масофалар ушбу миллийдан ҳисобланган. Августеонга Буюк император саройи ва Авлие София ибодатхонаси туташ бўлган.

Меъморчилик ривожланиши учун энг қулай шароит император Юстиниан даври бўлиб, бу даврда, яъни VI асрнинг 20—60-йилларида Византия буюк давлатга айланади. Византия давлати таркибига Греция ва Кичик Осиё, Яқин ва Ўртаер денгизи халқлари киради.

Византия V асрда икки: Иллирик, яъни Болқон яримороли ва Шарқ қисмларидан иборат бўлган. Мамлакатнинг дастлабки давларида антик даврдан мерос бўлган 1000 га яқин шаҳарлар сақланиб қолган эди. Уларда аксари ўн минглаб аҳоли яшаган. Давлатнинг гуллаб-яшнаган, илк босқичида, айниқса, Юстиниан даврида қўрғон меъморчилигига катта

эътибор берилган. Бу императорнинг фармонига кўра ҳар манзилгоҳ ўз кўрғони билан ёки олдидаги бирор соқчи манзилгоҳ билан муҳофазаланган бўлиши лозим эди.

VI асрда Византия империясини иқтисодиётини барқарор топишида Юстинианни кенг қурилиш фаолияти катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳақида маълумотлар Прокопий Кесарийскийни “Қурилишлар ҳақида трактат”ида, бошқа ёзув манбаларда ва ҳозирги археологларни кўплаб тадқиқотларини натижаларида тасдиқ топган. Хукуматнинг ташаббуси билан бутун Византия бўйлаб нафакат саройлар, ибодатхоналар ва ҳимоя иморатларини қурилишлари олиб борилган, балки эски шаҳарларни қайта қуриб ободонлаштириш ва янги шаҳарларни барпо этиш ишлари ҳам амалга оширилган. Айниқса, кема бандаргоҳларини қурилиши ва қирғоқбўйи тўғонларини мустаҳкамлаш ишлари муҳим бўлган. Кенг қурилиш фаолияти олиб борган император Юстиниан, ўзининг шуҳратпарастлигини шу йўл орқали қондиришни ўзига мақсад қилган. Византияда ва ғарб томонда босиб олинган янги вилоятларда барпо этилган кўплаб шаҳарлар, Юстинианнинг ўзини ёки рафиқаси Феодорани исми билан аталган. Император ўзини Ватани тўғрисида алоҳида қайғуриб, ўзи туғилган Иллириядаги Бедериан деган жойни бой маъмурий бинолар билан безатилган гуллаган шаҳарга айлантирди, ва бу шаҳарга Биринчи Юстиниан номи берилди. Шу билан бир вақтни ўзида, кенг қурилиш фаолияти мамлакатдаги ижтимоий ҳаёт суръатини оширган, турли хил соҳалардаги қурувчи ва ҳунармандларини иш билан таъминлаган.²

Бу даврда Константинопол дунё савдосини маркази бўлиб, Европа ва Осиё ўртасидаги товарлар алмашувини назорат қилган. Мисрдаги – Александрия, денгизбўйидаги Сурияда – Антиохия, Кичик Осиёдаги – Эдесса, Эфес, Смирна, Никей, Никомедея, Финикиядаги – Тир, Байрут, Византияни европа қисмида эса – Фессалоника, Коринф, Патра ва Фива шаҳарлари имериянинг йирик иқтисодий марказлари бўлган. Мамлакатни

² Удальцова З. В. Италия и Византия в VI веке. –М; 1977.с.127

асосан бой шаҳарларида аввалам бор, хунармадчиликни ривожланиши давом этган. Қурилиш ишларининг турли усуллари ривожланди. Бу эса Юстинианга ажойиб саройлар ва ибодатхоналар барпо этишга, шунингдек, чегара ҳудудларда мудофаа иморатлари қуришга имкон берди. Қурилиш техникасини ривожланиши меъморчиликни гуллаб-яшнашини муҳим омили бўлди. VI асрда металларга қайта ишлов бериш усуллари сезиларли даражада яхшиланди ва Юстинианни катта ҳарбий корхоналарида қурол-яроқ ишлаб чиқаришни ва ҳарбий санъатни ривожланишини тезлаштиришди. Техниканинг ривожланиши, шунингдек, Сурия, Финикия, Фалистин, Кичик Осиё, Мисрдаги тўқимачилик саноатида ҳам сезилади.

Юстиниан қурилиш ва меъморчилик соҳасида катта ишларни амалга оширганини ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган айрим меъморий обидалардан ҳам билиб олиш мумкин.

VI-асрдаги Византия меъморчилигини ажойиб ютуғи Константинополда Аё София ибодатхонасини қурилиши бўлди. Ушбу ибодатхона бу жойда илгари мавжуд бўлган ёғоч базиликани ўрнида (базилика 532-йилдаги Ника кўзғолони пайтида ёқиб юборилган) Юстинианнинг буйруғига асосан қурилди. Ибодатхона ҳудудини кенгайтириш учун қўшни уй-жойлар ва ер майдонлари ҳам эгалланди. Ушбу иморатни барпо этган меъморлар Анфимий ва Исидорларни фикр мулоҳазаларига кўра ибодатхонанинг барча маҳобати унинг ичида мужассамлашган бўлиши лозим эди. Бу иморат улкан ҳажмда бўлишига қарамай деворлари ғиштдан қурилган. Иморатнинг гумбази замондошлар учун муаллақ холда тургандек туюлган, таянчлари эса кўринмаётганга ўхшар эди. Аё София ибодатхонасига кираверишда пешайвонлар билан қуршалган кенг атриум мавжуд бўлган. Атриумни марказида мраммрдан ишланган катта фаввора жойлашган. Ғарб томондаги пешайвон орқали бинонинг ичига кириш мумкин бўлган. Нартекс - бу чўзилиб кетган баланд хона бўлиб, ғарбий девор томонда устунлар тўққизта тенг бўлакка ажратилган ва олдинга бўртиб чиққан. Уларнинг ҳар бири хочсимон қубба билан ёпилган. Нартекснинг шарқий деворидаги эшиклар

марказий залга олиб борган. Улкан зал тўртбурчак кўринишида бўлиб, 77x71,7 метрни ташкил этиб, марказий қисмида диаметри 31,5 метр хажмдаги ярим доира гумбаз қад кўтариб туради. Шарқий ва ғарбий томондан гумбазга иккита ярим гумбаз ёндашиб туради. Шундай қилиб, ичкари томондан ярим доира ва ташқари қисми кўп қиррали апсида билан тугалланадиган пештоқ марказий неф гумбазли том тўсиққа эга. Анча тор бўлган ён томондаги нефларнинг юқори қисми, асосий нефдан, кудратли пештоқлар билан ажратилган. Ўрта нефдан ён томондаги нефларга ўтиш йўлак - йўлак шаклида кетма кет қурилган пештоқлар яъни аркадаларни ушлаб турган тош устунлар орасидаги равоқлар орқали амалга оширилади. Асосий нефнинг деворларида иккинчи қаватда жойлашган хориларини устига ўрнатилган кўплаб деразалар бор бўлиб, улар қўшимча ёруғлик беради. Тўртта улкан устунларга суяниб турган пештоқлар ҳосил қилган тўртта елканни устида ҳамма томони тенг марказий қисмида ярим доира гумбаз жойлашган. Устунлар оралиғидаги бўшлиқни баланд уч бўлакдан иборат пештоқлари бор нафис деворлар тўлдириб туради. Шарқий ва ғарбий қисмидан гумбаз распорини кучли ярим гумбазлар билан ушлаб туради, буларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик ярим гумбазларга эга бўлган, шимолий ва жанубий томонда деворга ёпиштириб қурилган ва гумбазини распорини кучига қаршилик кўрсатиш учун анча заиф бўлган пештоқлар, асосий нефни ва бинони ташқи деворлари орасига қўйилган ички контерфорслар билан мустахкамланган. Византиялик меъморлар томонидан қабул қилинган оддатга кўра, контерфорслар ташқи деворларнинг сиртига чиқарилмаган.


Юстиниан замонида давлат маблағларининг анча кўп қисми қурилиш ишларига сарфланди. Юстиниан юзлаб қалъа ва юздан кўп майдароқ истехкомлар қурдирди. Унинг замонида жуда кўп ижтимоий характердаги иморатлар ҳам бино қилинди - водопроводлар, йўллар, хаммомлар, театрлар, ҳар турли ҳукумат бинолари қурилди. Илк Византия меъморчилиги орасида энг муҳими аё София ибодатхонасида илк Византия архитектураси

услугининг хусусиятлари жуда яхши акс этди. Аё София ибодатхонасининг мустахкам ишланганлиги кишини ҳайратда қолдиради. Бир неча марталаб зилзила бўлишига қарамай, бу бино ҳозирги вақтга қадар сақланиб келмоқда ва жаҳон архитектурасининг ажойиб тарихий ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Аё София ибодатхонаси сингари машҳур ёдгорликлар қурилишида ўз ифодасини топган юсак архитектура санъати Византиянинг умумий маданияти ўша даврда қандай юсак бўлганлигини кўрсатувчи далиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

VII—VIII асрларда Византия империясининг қудрати заифлашган даврда шаҳарлар аҳолисининг нуфузи кескин камайди. Баъзи шаҳарларнинг аҳолиси тарқаб кетди ёки Эфес ва Коринф шаҳарлари аҳолисига ўхшаб хавфсизроқ, бошқа жойга кўчиб кетди. Шаҳарларда ташқи қўрғонлар деворларидан бўлак, алоҳида «кастрон» (қалъа)лар барпо этилди. Аини вақтда шаҳарларда деҳқонлар нуфузи ошди, қишлоқлар кўпайди.

Византия шаҳарсозлиги бу ҳудуддаги кейинги давр шаҳарларига биринчи навбатда Шарқий Европада ўз таъсирини кўрсатди.



Константинополнинг Олтин дарвозасининг реконструкцияси

Византия меъморчилигида гумбазли композицияга эга ибодатхоналар ишлаб чиқилади. Бу асосда гумбазли базилика, 8 таянчга эга марказлашган композицияли ибодатхона ва салиб-гумбазли тизимга эга ибодатхоналарни турлари яратилади. Биринчи ва иккинчи турдаги композициялар илк Византия меъморчилиги даврида, учинчиси эса ўрта Византия меъморчилиги даврида яратилган.³

Византия меъморчилигида монастыр комплекслари ҳам ўзига хос меъморчилик ансамбли сифатида шаклланди. Шаҳар ташқарисида қурилган ибодатхоналар, бир нечта яшаш хоналари ва бошқа иморатлардан ташкил топган.

Византия меъморчилиги Рим меъморчилигидан равоқ ва гумбаз конструкцияларни қуриш анъаналарини олган. Аммо Византияда бетон техникаси кенг тарқмади. Деворлар ва гумбазлар асосан пишиқ ғишт ва табиий тошлардан қурилган. Византиялик меъморлар квадрат асосли бинонинг гумбаз ёпилмаси учун Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқилган усул - тромплардан фойдаланишган.

Византиялик архитекторларнинг энг катта ютуғи — бу гумбазли елканли конструкцияларнинг тўрт таянчга қўйилиши ҳисобланади. Елканли гумбазлар сферик юзанинг тўрт текислик билан кесилиши ва тўрт таянч нуқтасига таяниши билан ҳосил қилинади. Ярим сферик елканлар устига гумбаз ўрнатилади. Бу конструкция ривожланиши билан устки гумбаз ва елканлар орасида цилиндрик шакл доира (барабан) ўрнатилади ва доирада ёритиш учун тешиклар қолдирилади.

Бундай конструктив тизимнинг ишлатилиши бинонинг ички кўринишини кенгайтиришга имкон яратди, чунки ички деворлар ўрнига тўрт устун ишлатилади. Равоқларнинг ўзаро уйғунлаштирилган тизими гумбаз остида кенг ва баланд ички фазо яратилишига имкон яратди.

³ Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Том-3. 1977.с.254

Византияда гумбазлар пишиқ ғиштдан тез қотадиган семяник қоришма ёрдамида қурилган. Семяник қоришма тайёрлаш учун ғишт синиклари майда қилиб янчилган ва оҳак билан аралаштирилган.

Византияда яратилган янги конструктив тизимларнинг бадий жихатдан ифодаланишида қадимги юнон анъаналаридан кенг фойдаланилди. Қадимги Юнон меъморчилигига хос бўлган бино композициясида унинг конструктив шаклини ифодалаш усули асосий принципга айланди. Бадий ифодалашнинг асосий воситалари сифатида конструктив элементлар — равоқлар, равоқли аркадалар хизмат қилади.

Византия меъморчилигида устунли равоқлардан ҳам кенг фойдаланилади. Рим меъморчилигида ишлаб чиқилган бу конструктив тизим Византия меъморчилигида янада нафисроқ қилиб ишланади ва енгил чиройли нисбатлари билан характерланади. Византияда марказлашган композиция тарқалишида гумбазли бинолар қуриш анъаналари таъсир кўрсатди. Масалан, 510 — 515-йиллари қурилган Эфедаги черков ва 569—586-йиллари қурилган Русафдаги черков бунга мисол бўла олади. Тўрт таянчли гумбазли бинолар пайдо бўлиши ҳам бу композицион усул шаклланишида катта аҳамиятга эга. Масалан, Суриянинг Басра шаҳрида 513-йилда қурилган черковни бунга мисол қилиб кўрсатиб ўтиш мумкин.

Константинополда 527-йилда қурилган Сергей ва Вакх ибодатхонаси марказий композиция асосида қурилиб, саккиз устунга таянган гумбаз билан ёпилган. Гумбаз бинонинг асосий композицион элементи бўлиб, гумбазнинг остида фазонинг ташкил этилиши диний маросимлар ўтказишнинг жойи сифатида ташкил қилинган.

Византия меъморчилигининг энг юксак намунаси — София ибодатхонаси Константинопол шаҳрида 532—537-йилларда Юнон математик ва архитекторлари Траил шаҳридан бўлган Анфимий ва Милет шаҳридан чиққан Исидор лойиҳаси асосида қурилган.

Ибодатхона кўринишда 74,8 x 69,7 метр ўлчамли тўғри бурчак шаклида бўлиб, диаметри 31 метрлик гумбаз билан ёпилган. Гумбаз елканли равоқлар

устига қурилган ва равоқлар баландлиги 23 метр бўлган устунлар устига таянади. Гумбаз асосини пишиқ ғишдан терилган 40 та қовурға ташкил қилади ва гумбаз учидаги айлана тасмага бориб тақалади. Қовурғалар оралиғи енгил пемза тошдан тайёрланган сиртлар билан тўлдирилган. Елканли равоқлар ҳам пишиқ ғишдан терилган ва табиий тошдан ясалган 4 устунга таянади. Радиуси 14 метрли бу икки ярим гумбаз ва асосий гумбаз бўйлама ўқ бўйича юзаси 1970 кв метрни ташкил қилган ягона фазо ҳосил қилинган. Асосий залнинг ён томонларида икки қаватли ён заллар (нефлар) устунли равоқлар — "аркада" билан ажратилган.

Ибодатхонанинг ички кўриниши, шакли ва безаклари юқори маҳорат билан ишланган ва бадиий жиҳатдан тектоник тузилишининг аниқ ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Гумбаз ости фазо гумбаз асосида жойлаштирилган 40 дераза орқали ёритилади. Улкан ўлчамларига қарамасдан бинонинг гумбази ҳавода муаллақ турганга ўхшайди. Ибодатхона ички сиртлари турли рангли мозаика ва тилла суви юритилган нақшлар билан безатилган.⁴

Византия меъморчилиги ривожланишининг ўрта ва сўнгги даврларида қурилиш кўлами пасаяди ва маҳобатли бино ҳамда иморатлар қурилиши тўхтайди. Византия давлатининг турли қисмларида маҳаллий меъморчиликда турли услублар ишлатилади. Аммо ибодатхоналар қурилиши учун ягона салиб-гумбазли структура кенг тарқалади.

Бундай ибодатхоналарнинг ички тузилиши салиб шаклида бўлиб, гумбаз салибнинг марказига ўрнатилган. Гумбаз баланд доира устига ва елканли равоқлар ёрдамида тўрт алоҳида турган устунларга таянади. Бундай ибодатхона шарқ тузилишида учта нефдан (хонадан) ташкил топган ва асосий гумбаз шарқ томонидан ярим айлана апсидага эга. Асосий гумбаздан ташқари, баъзан ён нефлар устига ҳам гумбазлар қўйилиб, уч ёки беш гумбазли ибодатхоналар қурилган.

⁴ Архитектурное наследство. Сборники 1 — 48. М., 1990.с.127

Шундай ибодатхоналардан энг биринчиси IX аср бошларида Константинополда қурилган бўлиб, ҳозирда у жойда Қаландаржомеъ масжиди жойлашган. Салиб-гумбазли ибодатхоналардан энг улкани — бу IX асрда Венеция шаҳрида қурилган Сан-Марко ибодатхонасидир. Бу ибодатхона ечимида 5 салиб-гумбаз тизими бирлаштирилган ва бу бино устида 5 та гумбаз қурилган.

Салиб-гумбазли ибодатхоналар қурилиши Кавказorti давлатлари ва Шарқий Европа — славян халқлари меъморчилигида VI асрдан бошлаб кенг тарқалади.

Византия давлатининг барпо этилганлигининг дастлабки асрларида яратилган Византия санъатининг асарлари унча кўп бўлмаган миқдорда бизни давримизга қадар сақланиб қолган. Бизгача етиб келган наққошлик, рассомлик ва меъморий ёдгорликларни ўзида кўпроқ ва кейинги даврлардаги катта тузатишлар ва бинони бошқача қуришларини излари сақланиб қолган; шу туфайли меъморнинг дастлабки режаси ёки асосий фикрини кўриш қийин бўлади.

Шунга қарамасдан, Византия санъатини ёдгорликларини таҳлил натижаларини гувоҳлик беришича, хатто ўша даврларда ҳам ўзининг этник таркиби ва бадиий анъаналари жиҳатдан кўп сонли ва хилма-хил бўлган рассом, наққош ва меъморлар империянинг турли вилоятларида : Сурия, Миср, Кичик Осиё, Болқон вилоятлари, Италияда яшаб ижод қилиб, ўз бадиий услубини ишлаб чиқишда сезиларли ютуқларга эришган ҳолда Греция ва Римнинг классик реалистик санъатидаги услубдан маълум даражада ажралиб турган.

Суриядаги Сержилл деган жойда V асрга оид бинонинг вайроналари археологлар томонидан қазиб очилганда, бинонинг фасад қисми яъни олд томонида очиқ ложага эканлиги маълум бўлди. Олд томони қатор-қатор устунлар билан безатилган иморатларнинг қолдиқлари Суриянинг бошқа жойларида ҳам сақланиб қолган. Шунга ўхшаш уй-жойлар рассомлик ёдгорликларида акс этган. Фуқоролар ва аҳоли уй жойларини қуришга

караганда, биз черков биноларини меъморчилиги бўйича анча кўпроқ даражада маълумотларга эгамиз: уларнинг кўплари ёки дастлабки қурилишида ёки бузиб тузатишлар кўринишида шу вақтгача етиб келган. Христианликнинг расмий дин сифатида тан олиниши Византия ҳукумати томонидан янги динга ҳомийлик қилиниши ва моддий ёрдам кўрсатилиши, ибодатхоналарни кенг кўламда ва ҳамма жойда қурилишини рағбатлантирди. Ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий анъаналари у ёки бу қурилиш материалларини мавжудлиги мазкур ёдгорликларга ўзига хос хусусиятлар белгиларини берган. Ёғоч тахтани етишмаслиги сезилган жойда агар етарли миқдорда тош бор бўлса масалан Суриянинг айрим жойларида йўнилган, тарашланган тошдан бинолар, ибодатхоналар қурилган. Бошқа вилоятларда бинолар ғишдан барпо этилган. Кичик Осиёда гумбазсимон том тўсиқлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилган. Италия ва Болқонда ибодатхоналарни устки томини стропил ёғочи билан ёпиш амалда кенг қўлланилган. Режалаштириш шакллари, шунингдек манзарали жиҳозлашда ўзига хос хусусиятлар кузатилади. IV асрдан бошлаб, ибодатхона биноларининг энг кўп тарқалган хили базилика усули бўлди. Базиликани келиб чиқиши йўллари масаласига кўпдан бери илмий адабиётда мунозара қилинади. Айрим тадқиқотчилар унда бевосита антик рим базиликасини издошини кўришади, бу суд маҳкамалари ва шунга ўхшаш эҳтиёжлар учун мўлжалланган ижтимоий иморат бўлган. Бошқа бирлари эса базилика шакли эллинистик шаҳар кўчаларида ривожланиб чиққан деб фикр билдиради. Қандай бўлмасин, Византия давлати ҳудудида IX асрдан бошлаб айнан базилика ҳилидаги ибодатхоналар барча жойда эътироф қилинди. У черков маросимлари ўтказиш тартиби - литургия томонидан қўйилган талабларни яхши қаноатлантирган. Бундай иморатлар кўринишини ва ибодатхона биносини ичидаги бўлиб ўтаётган маросимларни яхши эшитилишини таъминлаган. Базиликалар бир пайтни ўзида ўзинини тузилиши ва конструкцияси жиҳатдан унчалик мураккаб бўлмаган, бу эса нафақат йирик шаҳар марказларида, балки, майда аҳоли пунктларида ҳам

уларни оммавий равишда қурилишини амалга оширилишини имкониятини берган.⁵

Ўзига хос базилика – бу кўриниши жиҳатдан тўғри бурчакли бино бўлиб, шарқий томондан бир ёки бир неча яримой шаклидаги апсидалар билан тугаган. Апсидлар ўзига хос акустика яъни бинонинг ичига товушнинг тарқатиб бериш учун хизмат қилган. Тўғри бурчакли зал қатор-қатор устунлар билан бир нечта узунга бўлинган қисмларга марказий неф ёки одатда кенг жойга ва бир нечта ёнбошидаги нефларга бўлинган. Айрим ҳолларда базилика бир нефли бўлган, аммо кўпроқ уч ёки беш нефли иморатлар учраган. Ибодатхонада асосан ибодат қилиш, тоат ибодат маросимлари учун мўлжалланган марказий неф одатга кўра ёнбошли нефларга қараганда баланд бўлган; унинг устуни икки нишабли том билаан ёпилган, баъзан ниқобланмаган стропила билан ёпишган. Ёнбош нефларнинг қопланмалари бир нишабли бўлган. Ён томондаги устки том билан шип оралиғидаги томда баланд кўтарилиб турган ўрта нефнинг деворларида деразалар ўрнатилиб, бу эса бино ичида яхши ёруғликни таъминлаган. Апсидани деворини тешиб ўрнатилган деразалар қўшимча ёруғлик берган. Айрим базиликалар яъни меъморчиликда ички қисми қатор устунлар билан бир неча қисмга бўлинган биноларда ибодатхонани шарқий меҳроб қисми трансепт деб номланган, кўндаланг жойлашган неф асосий залдан ажралиб турган.

Ғарбий томонда эса бошқа бир кўндалангига тушган зал, нарфик ёки нартекис жойлашган. Баъзан иморатлар иккинчи қаватда хориқларга эга бўлган; уларга базиликани ғарбий қисмида ўрнатилган зина орқали кирилган. Ибодатхона биноси олдида усти очик, тўрт бурчакли ховли жойлашган (ёки атриум ҳам деб аталган), у усти ёпиқ қатор-қатор устунлар билан қўшаб олинган. Атриумни ўртасида қудуқ жойлашган бўлиб, у ювиниш ва таҳорат қилиш учун хизмат қилган. Баъзи ҳолатларда атриумни ўраб турган қатор-қатор устунларни шарқий қисмини ўрнини нартекс босган.

⁵ Успенский Ф. И., История Византийской империи. М. Мысль. 1996.с.201

Шундай қилиб, VI-VII асрларда ишлаб чиқилган ибодатхона литургиясини театрлаштирилган тантанали шакллари зарурий меъморий безатилишларга эга бўлди. Агар антик меъморчиликнинг энг катта ютуғи ибодатхона биносининг ташқи кўринишида, тузатилишда маҳобатли кўринишни яратган бўлса, Византия меъморчилигида эса ички кўринишни жиҳозлаш катта аҳамият касб этди.

VIII - асрда бошланган базиликалар қурилиши интерьерни режалаштиришни кўплаб вариантлари учун кенг шароит очиб берди. Бу ҳолатда меъморларга бадий усул, йўсин, анъаналар, моддий имкониятлар учун йўл кўрсатиб берди.

Шаҳарлардаги, айниқса, пойтахтдаги кўркам безатилган базиликлар билан бир қаторда, оддий бинолар ҳам учраб туради, улар кўпинча эски антик ибодатоналардан катта кўринган уларнинг қатор-қатор устунлари базиликларни узунасига жойлашган нефларга ажратиш учун фойдаланилган. Кичик Осиёдаги Афродисийда VI асрда қурилган базилик мана шундай бўлиб, ён томонидаги деворлари узунасига уланган қатор-қатор устунларга параллел равишда қурилган; шарқий девор ярим ой шаклдаги апсида ёндош қилиб қурилган.

Вифлеемдага беш нефли базилика ҳам VI асрга тааллуқлидир. Унинг трансептли шарқий қисми шимолдан ва жанубдан иккита абсидлар билан тугайди ва кенг ўрта нефни тугатадиган асосли абсида кейинги даврларда қайта қурилишларга дучор бўлсада, бироқ, умуман олганда бино ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолди. Нефлар бир-бирларидан қатор-қатор устунлар билан ажралган. Капител яъни устун қоши, тоқи равоқ яъни устуннинг шипга туташган юқори қисмидаги аканфа барглари коринфича услубда солинган, ғарбий томондан эса ибодатхонага атирюм туташиб туради.

Римдаги Санта Мария Мажордаги уч нефли базилика узунасига қатор-қатор устунларга эга бўлиб, асосий нефни ёнбошдагилардан ажратиб туради. Устунлар бу жойда ҳам тик архитравни тутиб туради. Бинонинг трансептли

ва зафар дарвозаси, ғалаба шарафига қурилган хашаматли дарвоза жойлашган шарқий қисми кейинчалик қайтадан қурилиб тузатилган.

Кўп сонли тош устунларни бир текисда, уйғун равишда вертикал бўйича такрорланиши томошабиннинг нигоҳини ибодатхонанинг шарқий - муҳим қисмига қаратиб узоқ таасуротини уйғотади.

VI аснинг ўрталарига қадар Сурия, Италия, кичик осиё ва Шимолий Африкада Базилика услидаги биноларнинг қолдиқлари қаерда сақланиб қолган бўлса, уларнинг шундай шакли устунлик қиладики, вертикал таянчлар - устунларда горизонтал тарзда архитравлар жойлаштирилган. У давр учун хос бўлган устунларни шипга туташтирилган юқори қисми, антик давр услублари - коронифча ва композиция шаклига яқинлигини ҳамон сақлаб қолган. Аммо аканфани реалистик шакллари аста-секин анча схематик ва орнаментал шаклларга айланиб борган.⁶

Агар Византия меъморлари VI-аср ва VII асрнинг биринчи ярмида базиликаларда пештоқ, равоқ, гумбаздан кенг фойдаланган ва бинони шундай қуришганки, унинг қурилишида горизонтал ёпиқ чизиқ ва узунлик ва тўғри чизиқли шакллар устунлик қилган, кейинчалик вазият ўзгаради. Ғарб меъморчилиги учун бундай композиция бутун ўрта асрлар давомида жуда катта рол ўйнаган бир вақтда тахминан VII асрдан бошлаб Византия учун центрик композиция алоҳида аҳамият касб этади. У ўз ичига гумбаз билан ёпишни, пештоқни ва бошқа хусусиятларни олиб, булар бинонинг тик тушган чизиғини алоҳида таъкидлайди. Бу давр империянинг шарқий ҳудудларида ўзига хос меъморчилик нусхаси яратилади ва Византия меъморчилигини келгусида ривожланишига улкан тасир ўтказади. Унинг бунёд қилинишини VI-VII асрлардаги Сурия базиликалари намунаси мисолида кузтиш мумкин. Антаблементни кўтариб турган устунларнинг узун қатори ўрнига, бу жойда ёки оғир қудратли устунлар қўлланиб уларга кенг пештоқлар ўрнатилган (масалан, Карло Луза базиликасидаги сингари), ёки бўлмаса унча кўп бўлмаган сонли устунлар қўлланилган. Ушбу иморатлар,

⁶ Гулянский Н. Ф. "История архитектуры". М. , 1984 г.с.136

Рим базиликаларига қараганда унча узун бўлмаган. Буларда иморатларни кўндаланг йўналишда қисмларга ажратилиши ғояси кўзга ташланади, ушбу ғоя Месопотамиядаги ибодатхоналарда анча кучли даражада ривожланиб, бинонинг кўриниши ҳамма томони баробар тўртбурчак шаклида бўлиб, асосий нефни ёнига узайтирилиши кузатилади, бунга Саледаги черковни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Суриялик меъморлар нартекисни ва ғарбий олд томонни тайёрлашга катта эътибор қаратишган. Атриумга эга бўлмаган базиликага кириш кенг пештоқ орқали амалга оширилган, унга эса шоти ёки зина орқали чиқилган. Пештоқларни томонларида икита бурчак миноралари қад кўтариб турган кириш пештоқ устида тош устунли лоджия жойлашган бўлган. Йўнилган, тарашланган тошдан қурилган базиликалар икки қияли нишобли том билан ёпилган. Бундай иморатларнинг ажойиб намуналари сифатида Дайр-Турманиндаги Калб-Луздаги ибодатхоналарни, Алеппо яқинидаги Калат-Семонда қурилган монастыр комплексида барпо этилганини кўриш мумкин. Суриядаги базилика яъни ички қисми қатор устунлар билан бир неча қисмга бўлинган биноларнинг олд томонидаги иккита минора билан қурилгани роман меъморчилигини ривожланишига катта таъсир ўтказди. Шунингдек, Сурия базилика қурилишини ва Арманистон меъморчилиги ўртасида алоқалар борлиги кузатилади. Симеон монастырида саккиз қиррали ховлини марказида асосий монастыр ўчоғи - устун жойлашган бўлиб, ховлининг тўрт томонида учнефли базилика кўринишидаги бинолар жойлашган. Умуман олганда эса ҳовли хоч кўринишини ташкил этади. Шарқий базилика учта апсидага эга. Барча иморатлар йўнилган, пухталиқ билан ишлов берилган тошдан қурилган. Саккиз қиррали атрофи очик ҳовлининг атрофлари очик устунлар билан ўраб олинган бўлиб устунлар нақш билан безатилиб тешилган пештоқларни ушлаб туради. Базиликал ва марказлашган шакллارни уйғунлашуви Константинопал меъморчилигини таъсири тўғрисида тахмин қилиш имконини беради. Олд томонида иккита минораси билан ҳимояланган Сурия базиликаларига ўхшаш ибодатхонанинг ғарбий

қисмини меъморий жиҳатдан хал этиш, Болқон яриморолидаги айрим ёдгорликларда ҳам учрайди. Масалан, Болгариянинг Бухово қишлоғдаги учнефли базиликни ғарбий олд томони пешайвон кўринишида безатилиб уни икки томонида иккита минора қад кўтариб туради. Бундай ғоялар Сурия ва Кичик Осиёдаги базиликаларда, шунингдек Равеннадаги Сант-Аполлинаре Нуово, Сант-Апполинаре ин Классе, Римдаги Сант-Аньезе базиликаси, Фессалоникадаги Параскева ва Диминтрий базиликалари, Константинополдаги Иоанн Студит ибодатхоналарининг кўринишларида ўз аксини топди. Бинонинг вертикал, тик тарзда жойлашганини таъкидлашга интилиш, нафақат унинг горизантал олдаги ётиқ архитравини пештоқлар билан алмаштирилгани аён бўлади. Бешта пештоқини вертикал чизиғини аниқлаш учун трапециясимон оралиқ тош блокларини яъни импостларини жорий этилиши йўли билан баландлиги сунъий тарзда оширилган. Импостлар капител билан пештоқнинг асоси ўртасида жойлаштирилган. Капителларнинг ўзлари эса борган сари антик прототипларидан узоқлашиб борган. Уларни беэаб турган аканф, текис юзага ўйма нақш тарзида ишланиб, янги хилдаги капителларни барпо этиш учун асос бўлиб хизмат қилади, уларнинг ўймакор нақшлари енгиллик ва баҳаволик таассуротини уйғотади. Ёғоч ўймакорлари пештоқларни муаллақ ҳолати ҳақида таассурот уйғотмоқчи бўлишади. Фессалоникадаги Димитрий базиликасида аканафнинг нафис ўйма баргининг кўриниши шамолда эсаётгандек кўринади. Ўзида пештоқлар ва бошқа юқоридаги қисмларини ушлаб турган капителларнинг конструктив аҳамияти панжарадор нақш ва соя томони муносиб ранг бериб кўрсатилишда кучли таассурот қолдириш орқали хона ичини бошқача қилиб кўрсатган. Бундай капител иморатларни кўркем намуналари империянинг кўплаб худудларида сақланиб қолиб VI-VII асрларда базилика меъморчилиги ривожланиб борган йўналиш тўғрисида гувоҳлик беради.

Константинополда 663- йилда барпо этилган Иоан Студит черкови фақат қисман сақланиб қолган. Мазкур базилика, Патрикий Студий томонидан

қурилган бўлиб, кейинчалик асос солинган монастыр, унинг номи билан аталди. Иморат ўзида уч нефли бир апсидли базиликани нартекси ва қачонлардир мавжуд бўлган атриудни қолдиқларини акс эттиради. Кенг марказий неф, иккита ён нефлардан устунлар билан ажратилган. Улар нафис ўйма нақш билан безатилган, устунларнинг шипга туташадиган юқори қисмидаги тоқи равоқ билан тугалланади. Ўйма нақш парда осиб кўйиладиган карнизни ҳам ёпиб туради ва бинога шинам кўриниш беради. Пастки қаватидаги устунлар ўзига хос антаблементи ушлаб турган, юқorigа улар хойнахой бир-бирлари билан пештоқлар билан боғланиб турган. Македониядаги Фессалоникада базиликал кўринишидаги қизиқарли ёдгорликар сақланиб қолган бу жойда шимолий Грециядаги сингари базиликалар бутун ўрта аср мобайнидаги биноларнинг энг кўп тарқалган хили бўлган. Фессалоникадаги Параскева (Эски-Жума) ибодатхонаси - хорилари бор уч нефли иморат ҳисобланади. У кўп сонли деразаларни мавжудлиги туфайли ички томондан жуда яхши ёруғликка эга. Ички томонидан берилган чиройли пардозлаш ишлари соддагина ташқи безатиш билан уйғунлашиб кетади, бу эса кўриб чиқиладиган давр меъморчилиқ ёдгорликлари учун умуман хос ҳолат ҳисобланади. Фессалоникадаги Димитрий деб номланган беш нефли базиликани ички тузилиши, бир қатор ажойиб ўзига ҳос ҳусусиятлари билан ажралиб турган. Кенг марказий неф, ён томонидаги нефлардан ҳар ораликда қайтарилган устунлар билан ажралиб турган. Бино хориларига эга бўлган. Биринчи ва иккинчи қаватларини йўлак шаклида кетма-кет қурилган пештоқларни турли рангдаги мармарлардан қадаб солинган нақшлар билан безатилган. Юқори қаватидаги устунларни кичик ҳажмда эканлиги бинонинг жуда баланд эканлиги ҳақида таассурот уйғотган. VI-VII асрларда базилика хилидаги иморатлар билан бир қаторда марказга асоси тушган иморатлар ҳам барпо қилинган бундай кўриниш тоат-ибодат ва сиғиниладиган жойлар учун хос бўлиб, одатда улар ҳажми жиҳатдан кичик бўлган. Бу жойда гумбазсимон томлар қўлланилиб улар тик устунлар ёки кўпқиррали ва айланасимон тўсинлар устига ўрнатилган,

бунинг илк намунаси Римдаги Констанца мавзолейи ҳисобланади. Ротонда гумбаз билан ёпилган. Бинонинг марказий қисмини атрофида айланасимон равоқ жойлашган. Бинонинг томи айлана нефга пештоқлар орқали туташиб кетган 12 та жуфт холдаги устунлар устига ўрнатилган. Римдаги Сан-Стефано ибодатхонасини марказий қисми гумбаз билан ёпилган бўлиб, иккита айланага эга бўлган. Гумбазни қуршаб турган айланасимон равоқ, устунлар устига ўрнатилган. Булар ички томонда тик олдаги архитравни ташқи томондан эса пештоқни ушлаб турган. Фессалоникадаги Георгий ибодатонаси айлана кўринишидаги иморат бўлиб, тўғри бурчакли меҳроб қисми ва ярим айлана абсидига эга бўлган. Эни 24 метр бўлган гумбаз жуда кудратли тиргакларни талаб қилган; бундай вазифани 6 метр қалинликдаги айланасимон деворлар хизмат қилган. Бино, хойнахой, IV-асрдаёқ Феодосийга бағшланган мавзолей сифатида барпо этилган. Гумбазлар хоч шаклига эга бўлган иморатлардан айлана эмас, балки квадрат асосга ўрнатилгани туфайли қурувчиларнинг вазифаси анча қийин бўлган. Меъморлар бу вазифаларни енгиллаштиришга интилиб қўллаган усуллари турлича бўлган. Булардан бири III-асрда Эронда Ферузобод ва Сарвистон саройларида қўлланилиб, бурчак тоқчалари ёрдамида квадратдан аста секин кўп қиррали асосга ўтилган. Ушбу усул кейинчалик Византия меъморлари томонидан ҳам қўлланилган. Марказий қисми гумбаз билан ёпилган иморатларни барпо этиш имконияти, Византия меъморчилигини жуда қизиқтирган, улар келгусида гумбазли биноларни, жамоат иморатларини меъморчилигини муҳим турига айлантиради. Тромпларга гумбазларни ўрнатилиши муаммони ҳал этишни ягона ечими бўлмаган. Уни 4 та ўзига ҳос елканлар ёрдамида квадрат асосига тик ҳолда ўрнатилиши улкан ютуқ бўлди. Ушбу усул унча катта бўлмаган ҳажмда VI-аср ўрталарида Равеннадаги Галла Платсидей мақбараси қурувчилари томонидан фойдаланилган. Бино лотинча хоч шаклида қурилган анча узун ғарбий йўлакка эга бўлган. Бинонинг марказида равоқларни кесишганлиги гумбазнинг асосини квадратни ташкил этади. Бири иккинчисини ичига солиниб гилдан

тайёрланган амферлардан тузилган енгил гумбаз, тўртта елканларни устига ўрнатилган ташқи томондан қисман тўрт нишабли томининг остига беркитилган бинонинг хочсимон кўриниши ташқи томондан аниқ очиб берилган. Бироқ хочсимон ибодатхоналарни қуриш кенг ёйилган эмас, эҳтимол бунинг сабаби базиликани устунлигига, афзаллигига эга бўлмаганидир. Унинг ички томонидан хизматлар учун фойдаланишга қулай бўлмаганидир. Бироқ, VI - асрдан бошлаб меъморлар томонидан маълум бир йўналишда изланишлар олиб борилганидан гувоҳлик берувчи иморатлар пайдо бўлди, улар янги хилдаги бинонини яратишга интилишган, бунда базиликани афзаллиги гумбаз билан ёпишини қўлланиши орқали уйғунлашиб кетган. Иморатни катта ҳажмда бўлганлигинидан, уни гумбаз билан ёпиш талаб қилингандан, бу вазифани бажариш учун қийинчиликлар анча ошиб берган. Византиянинг вилоятларида барпо қилинган ва ҳозирга қадар сақланиб қолган ёдгорликларни ўрганиш бундай янги йўллар қидириш, шуларни кузатиб чиқиш имконини беради.

Гумбаз билан ёпиш қўлланилган базилика кўринишидаги иморатларни илк намунасини, хойнахой, Кичик Осиёдаги Киликияда жойлашган Мериамликда VI - асрнинг иккинчи ярмида қурилган ибодатхона ҳисобланади. Айнан шу вақтда Кожа-Калесси ибодатхонаси ҳам барпо қилинган. Бу ҳам базилика усулида бўлиб цилиндирсимон гумбаз билан ёпилган бўлиб, асосий нефни марказий қисмида кўндаланг кесиб ўтган жойда тромп устига кубба ўрнатилган. Барча бинолар йўнилиб, тарашланган тошдан қурилган. Шимолий ва жанубий томондаги катта ёнбош пештоқлар учта қаватга бўлинган деворларни ўраб турган. Юқори қаватда деразалар учун тешиклар очилган. Биринчи ва иккинчи қаватларда марказий ва ён томондаги нефлар уч бўлакдан иборат тош устунли равоқлар билан қўшилган. Кўп сонли гумбазли иморатларни Кичик Осиё, тоғли Месопотамия, Сурия ва Мисрда ҳам қурилганлиги маълум бўлди.⁷

⁷ Гулянский Н. Ф. "История архитектуры". М., 1984 г.с.170

Мана шундай қилиб, VI -асрдан IX-асрга қадар гумбазли базилика хилдаги ибодатхоналарни асосий шакли кадамма-қадам шаклланиб борган. 527-536 йилларда машҳур меъморлар: Траллик Анфимий ва Милетлик Исидорлар томонидан Константинополда Сергей ва Вакха деб номланган ибодатхона қурилди. Бу ибодатхона, дастлабки бошқа бир ибодатхонага бевосита ёнма-ён қурилган бўлиб, уларни умумий ховли ва иккала бинони бирлаштириб турган нартекс орқали боғлаб турган. Аммо катталиги жиҳатдан тенг бўлган бу икки базиликнинг бир-биридан фарқи шундаки, фақат Сергей ва Вакха ибодатхонаси гумбазли бўлган.

VI-асрга оид Византия ибодатхона меъморчилигини ажойиб ёдгорликларидан яна бири, бу Равеннада 547 – йилда қурилган Сан-Витале ибодатхонаси бўлган. У саккизқиррали шаклда қурилиб, ғарбий томонига иккита минорали нартекс туташиб туради, булар ўз ичига нарвон ёки поғонани олади, поғона хориларга олиб боради, Сан-Витале ибодатхонаси камдан-кам учрайдиган ноёб меъморий бино ҳисобланади. Нартексни олди томонида илгари атриум бор бўлган. Бино шарқий томонида битта апсидага эга, уни иккала томонида қурбонлик қилинадиган жой ва диаконларнинг хонаси жойлашган.

Сан-Витале ибодатхонаси ҳамда Сергей ва Вакха базиликасини кўриниши таққосланганда, ҳар иккала ёдгорликлар ўртасида ўхшашликларнинг айрим белгилари кўзга ташланади. Ҳам биринчисида, ҳам иккинчисида гумбазларни саккиз қиррали тиргак ушлаб туради; равоқлар иккита қаватни устида баланд кўтарилиб туради. Нотекис шаклдаги қудратли устунлардан фойдаланилади, булар гумбазнинг бутун оғирлигини ўзида тутиб туради. У ерда ҳам, бу жойда ҳам биз устунлар ортидаги токчаларни ва уларни ораларда турган тош устунларни кўрамиз. Бироқ биноларнинг базилика асосига эга бўлган Сергей ва Вакха ибодатхонасидан фарқли равишда Сан-Витале ибодатхонаси яққол вертикал тузилишга эга. Бино ўта баланд қад кўтарилганга ўхшайди. Ёғоч ва тош устунларни, равоқлар ва ярим ёй кўринишидаги токчалар билан уйғунлашуви юқори даражадаги

мукамалликка етказилган, бу ҳолатлар эса Сергей ва Вакха черковида мавжуд эмас. Саккиз қиррали асосга эга гумбазнинг қурилиш Сергей ва Вакха базиликасига нисбатан Сан-Витале ибодатхонасининг кўринишида анча қулай акс этган. Сан-Виталеда токчалардаги равоқларни тутиб турган тош устунлар турли хилдаги тоқи равоқлар билан мраморга нақш қилиб солинган импостлар билан безатилган. Ички жиҳатлари, ибодатхонани сирқи қисмида сақланиб қолган турли рангдаги мозаикалар тўлдириб туради. Бинонинг гумбазини ушлаб турадигон қисмига ўрнатилган икки қаватли баланд деразалар марказий хонани ёрқин ёритилишини таъминлайди. Баланд тош устунлардаги пештоқларни иккитали ва учтали равоқлари гумбазости қисми бирлаштиради.

II-БОБ.

2. IX асрнинг II – ярми – XII асрларда меъморчиликнинг ривожланиши.

Кўриб чиқиладиган даврда қурилиш бўйича ишлар анча кенг ўрин эгаллаганини Византия миниатюраси металл, ёоч, тош, ва шу кабиларга ишланган нафис нақш ёдгорликлари кўргазмаларида қайд этилган. Масалан,

Ватикан кутубхонасидаги Барберини тўпламидаги псалтирда, яъни диний китобда шу давр архитектураси, яъни меъморчилиги учун хос бўлган белгиларга эга бионинг қурилишини тасвирланганлигини кўриш мумкин. Пастки қаватида тош устунли ва пештоқли галерея яъни бино ичидаги узун тор бўлак ва шунингдек бионинг олдида солинган узун ойнаванд айвон тасвирланган. Унинг томига узун шоти орқали чиқилади. Томга чиқиб олган ғишт терувчилар, иккинчи қаватни деворини ғиштини теришни бошлаган. Ўнг томонда бошқа ишчилар баланд икки қаватли минорани ўрнатишмоқда. Унинг қуйи қисмида ўйма нақш билан безалган таккурси ва токи равоқли баланд тош устунлар кўриниб туради. Блоклар яъни оғир юкларни кўтариш учун қилинган махсус асбоблар ва арқонлар тизими ёрдамида қурувчилар қийинчилик билан кичик хажмдаги тош устунларни иккинчи қаватга тортиб олишмоқда. Хлудов псалтирида яъни диний китобида шунга ўхшаш икки қаватли бино, эҳтимол саройни қуриб битказилган ҳолдаги кўриниши акс эттирилган. Қуйи қават баланд цоколда, яъни бино, иморат деворнинг пастки, қалинроқ қисмида жойлашган ёки ўрнатилган. Меъморлар уни тош устунлари арклари йўлак шаклида кетма-кет қурилган пештоқлари бўлган очик галерея яъни бино ичидаги узун тор бўлак шунингдек бинони олдида солинган узун ойнаванд очик айвон кўринишида қуришган. Бино кўп сонли баланд деразалар, яримайлана апсида ва минорага эга бўлди.

Фақат Константинополдагина қурилиш ишлари олиб борилмаган, балки Византиянинг бошқа жойларида ҳам кўп сонли монастирлар барпо қилинган, булар қаторида Афоннинг қадимги бино иморатлари - Лавр, Ивир, Ватопеднинг монастирларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Афинада кўплаб черковлар пайдо бўлди. Илгаридан мавжуд бўлганлари кенгайтирилди ёки қайта таъмирланди ва янги монастир бинолари вужудга келди. Булар қаторига Афина яқинидаги Дафна, Фокидадаги Осиос Лукас (Лука

монастири), Хиос оролидаги Неа Мони яъни янги монастыр кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.⁸

Константинополдаги саройларни қурилиши ҳақида биз фақат ёзма манбаларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкин. Мармар денгизининг кироқлари бўйлаб жойлашган катта саройнинг ҳудудларида, Хрисотриклиний билан ёнма-ён ерда IX асрнинг сўнгги чорагида Василий I нинг янги саройи - Кенургий қад кўтарган. Василий I давридаги қурилиш ёдгорликларини, батафсил, бирма-бир таърифлаб, баён этган Константин Багрянородний айниқса катта сарой ҳудудида қад кўтарган Пентакувуклий деб номланган триклиний - бошқа бир иморатни архитектура шакллари ва манзарали ҳашамлари учун мақтаб кўкларга кўтарган. Бино тўрттарафлама қурилган бўлиб, хойнаҳой бешта гумбаз куббалар билан тугалланиб, тўрттаси бурчаклар бўйлаб ва биттаси марказда жойлашган. Унинг яқинида ҳар жой – ҳар жойда кўплаб бошқа янги иморатлар, павильонлар яъни савдо дўконлари ва айвонлари, шунингдек хаммомлар жойлашган. Пардозлаш ишларида Кария ва Фессалия тош конларидан келтирилган турли хил рангли мрамрдан кенг фойдаланилган бўлиб, у бўёқларни турли тусга киритиш имконини бериб, катта бадиий таассурот уйғотишга эришилган. Саройларни қурилиш ишлари X асрда ҳам давом этган. Никифор Фока даврида Мармар денгизи қирғоқларида ҳали V асрдан буён мавжуд бўлган Вуколеон саройи қайтадан қурилди ва тугалланди, уни безаб турган шерларни хайкаллари жуфтлиги шарафига саройнинг номи ҳам Вуколеон деб номланган. XII асрда Олтин шохнинг ичкари томонида Влахерн саройи барпо этилди, у Комнинлар сулоласи императорларини доимий қароргоҳи бўлиб қолди. Текфур Серал икки қаватли биноси, хойнаҳой сарой таркибига кирган ва Феодосия мудрофаа деворлари тизимига қўшимча равишда кирган.

Сарой қурилишларига нисбатан, биз черков архитектураси тўғрисида анча яхши баҳо берамиз, чунки сарой қурилишлари меъморчилиги ёдгорликлари яхши сақланмаганлиги ва кейинги кўп сонли қайта

⁸ История Византии. В трех томах. Том 1. М., 1970.с.214

курилишлар ва ўзгаришлар тадқиқот ишларини жуда қийинлаштиради ва уни натижаларини тўла ишончли далил бўлишидан махрум этади. IX аср охирида черков меъморчилиги соҳасида янги меъморчилик ечимларини изланиш ишлари давом этди. Улар гумбаз, кубба базиликасини кўринишини хоч шакли билан бирга қўшиш йўналишидан боришди, бундай ҳолатлар VI-IX асрлар ёдгорликларида: яъни Никейдаги Успения, Фессалоникадаги София ва Константинополдаги Аттик-Жомий черковларида кузатилади, ва меъморчилик тафаккурини ибодатхоналарни янги хочсимонгумбазли шаклини яратишига олиб келди. Патриарх Фотий ёзиб қолдирган воқеаномада, 864-йилда қуриб битказилган Фарос ибодатхонаси тўғрисида батафсил маълумотлар баён этилиб, бу черков ҳам янги хочсимонгумбазли шаклда қурилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Хочсимонгумбазли ибодатхонани асосини ҳамма томони барабар тўртбурчак ташкил этиб, у бионинг марказида тўққиз бўлакка ажратилган гумбазга тўртта тиргович ўрнатилиб, қад кўтариб турган. Хочнинг тўртта тармоғини ҳамма томони барабар тўртбурчакка қўшилиб цилиндрсимон куббалар билан ёпилади, булар муҳим конструктив(қурилиш) вазифасини яъни янги гумбазнинг распорини яъни иморатларда - вертикал куч тасири остида пайдо бўладиган горизантал кучни ўзига қабул қилади. Буларга диоганал бўйича бурчакма-бурчак, бурчак шаклидаги биноларнинг куббалари ёрдам беради. Айрим ҳолларда ўзида гумбазларни тутиб турган тўртта эркин турган таянч устунлар ўрнига, фақат ғарб томонидаги иккитаси ўрнатилган. Ибодатхонанинг апсида қисмига ёндашиб турган иккита шарқий томондаги устунларни, апсидани деворлари билан бирлаштиришган, булар бевосита гумбазостидаги кенглик томонга сурилган ёки яқинлаштирилган. Ибодатхонанинг хочсимон гумбазли шакллари уч ва беш нефли биноларда қўлланилинган. Пойтахт меъморчилигида хочсимонкуббали биноларни барпо этиш устунлик қилган. Константинополдаги бешнефли ибодатхоналанни ички тузилиши ибодат қилиш, тоат ибодат шакллари билан яқиндан боғлиқ бўлган. Кишини ҳаяжонга соладиган элементлар, унинг

томоша қилишга мослаштирилгани хусусияти яхши кўринишни талаб қилади. Муқаддас ёзувдаги сюжетлардан олинган айрим сахналар, байрамона маросимлар, бухўрни тутатиш, диний ашулаларни айтиш, шамларни ёқиш каби амвон атрофидаги аломатлар орқали тасвирланган. Шу туфайли одатга кўра, Константинопол ибодатхоналаридаги марказий, ҳамма томони барабар тўртбурчаклар, иккита ҳалқасимон ички ва ташқи кўриниш билан ўраб олган бўлиб, бионинг марказий қисми арканинг кенг очик равоқлари билан қўшилиб, туташиб кетган. Шунга ўхшаш очик равоқлар хорларда ҳам жойлаштирилган.

Бионинг ҳочсимонқуббали кўриниши билан бир қаторда бошқа хиллари ҳам маълум даражада ёйила бошлади. Ўзининг келиб чиқиши бўйича қуббали безаклардан бўлган перистил хил кўринишидаги ҳолатлар кўпроқ унча катта бўлмаган биноларда учрайди. Бундай ибодатхоналарда ҳамма томони баровар марказий қуббаости қисми, шарқ томондан апсида билан тугайди, бошқа уч томонидан ҳалқасимон айланаларга эга бўлиб, бионинг маркази билан пештоқларини кенг равоқлари қўшилиб, туташиб кетган.

Шунингдек, тўртта парусда эмас, балки саккизта тирговучларда қуббаси ушлаб турилган биноларни намуна қилиб, таъкидлаб ўтиш мумкин. Кўриб чиқиладиган даврдаги Константинополни архитектура ёдгорликларининг янги хусусияти, бионинг ички қисмини биридан иккинчисига осонлик билан ўтиладиган хоналарга бўлиб юборилганлиги ҳисобланади. Бионинг барча қисмлари илгаригидан кўра анча салобатли, маҳобатли ва ёнма-ён жойлашгани билан ажралиб туради. Бу ҳолат ҳам ички, ҳам ташқи кўринишда кузатилади, бунда шакллар тепага қараб чўзилиб бораверади, айлана устидаги баланд қубба бошқа барча гумбазлар устидан виқор билан қад кўтариб туради.

Ташқи томондан аниқланган катта гумбазли конструкция қисмлари ташқаридан кузатилганда, бионинг қайси қисмига мўлжалланганлиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ибодатхонанинг ички жихозланишида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилади. Унинг муҳим хусусияти бинонинг меъморчилик қисмларини маҳобатли рассомлик санъати билан тўла уйғунлашиб кетишига интилиши ҳисобланади. Иконага эътиқод қилишни ғалабасидан сўнг, нафақат черковни рассомлик санъатини ва уларни иконографиясини, балки уларни ибодатхона ичида жойлашуви мавзуларини ҳам қатъий тартибга солишни қамраб олади. Черков рассомлик санъатининг айрим бир сюжетларига литургия тартиби нуқтаи назардан, мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда маълум бир жойлар ажратилди. Мавзуларни танланиши ҳам чеклаган. Марказий қисмини тепасидаги кўндаланг кесиб ўтган гумбаз осмонни тирговчи сифатида англанган. Унинг марказида Исонинг оламини тутиб турувчи ёки Пантократор кўринишидаги маҳобатли сурати турган. Оламини тутиб турувчи - осмондаги кучларнинг бошлиғи бўлиб, бошқа суратларга нисбатан катта кўламда тасвирланган. Қуйироқда унинг аёнлари сифатида архангел(фаришталар), пайғамбарлар, апостоллар, евангелистлар жойлашган. Апсидани конхаси ердаги, черков ва осмон ўртасидаги воситачи сифатида аниқланган. (Муқаддас она) Мома ҳаво учун ажратилган меҳроб апсида эса - евхаристия ва авлиёларни сирлилиги учун ажратилган. Вимда Дахшатли суд куни Исо учун тайёрлаб қўйилган тахти равоннинг тасвирини жойлаштирилган. Гумбазнинг атрофидаги елкан ёки трампларда ва ён томонларда, одатда Исонинг оламга келиши, туғилиши, чўқинтирилиши, бошқа кўринишга айланиши, Лазарнинг туғилиши, Исонинг Қуддусга киришини кўриш мумкин бўлган. Устунларда авлиёларнинг алоҳида хайкаллари ўрнатилган. Кириш жойини устида, ғарбий деворда, яъни черковдан чиқаётган кишининг нигоҳи тушадиган жойга, Исонинг дўзахга тушиб бораётгани саҳнаси аста-секин маҳкам ўрнашиб боради. Хойнаҳой, айнан шу даврда ёки биров кейинроқ икона турадиган меҳроб, тўсик сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ёдгорликларнинг камлигидан черков деворига солинган бу тизим қачон аниқ шаклланганлигини биз билмаймиз. Бироқ, Фарос черковни фотийча таърифидан, унинг асосий белгилари IX юз

йилликнининг учинчи чорагида юзага келганлиги хақида хулоса қилиш мумкин. Бинонинг айрим қисмларини бундай аломат орқали англаш, бунда у яхлит ҳолда бутун бир олам деб қаралиб, шарқий қисмлари (хусусан меҳроб) жаннат каби, ғарбий қисмлари дўзах каби, бошқа жойлари эса ер каби тасвирланиши, Византия дунёқараши учун жуда характерли бўлган. Меъморчилик ёдгорликларини барпо этишда бу сингари бирор аломат билан ифодалаш, черков деворини нақшлар билан беаган меъморлар ва рассомларни асосий ғояларини бирлаштирган. Бизнинг даврга қадар Византия санъатининг айрим ёдгорликлари етиб келган бўлиб, уларда меъморчилик ва рассомлик санъатинининг бу бирга қўшиб олиб борилиши ёрқин гавдалантириб кўрсатади. Аммо уларнинг барчаси Константинополдан ташқарида жойлашган ва анча кейинги даврга мансубдир.

X—XI асрларда Константинопол ўрта асрларга хос бўлган кўп марказли тизимга эга бўла бошлади. Шаҳар ичида турли мамлакатлардан кўчиб келган аҳоли мавзелари пайдо бўлди. Масалан, Пера ва Алата каби аҳоли мавзеларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Константинопол ҳудуди 14 та туманга бўлинган эди. Туманлар регионархлар томонидан бошқарилган. Туманлар ўз навбатида жами 322 гетарий (квартал)га бўлинган эди.

Константинопол билан бирга бир қанча бошқа шаҳарлар ҳам ривож топди. Улар қаторида Суриядаги Оронт дарё бўйидаги Антиохия шаҳри ҳам бор. Бу шаҳардан Эрон, Ҳиндистон ва Хитойга олиб бориладиган савдо йўли ўтган эди.

Константинополнинг черков меъморчилигида одатга кўра биз кейинчалик бир неча марта қайта қурилишлар ва тузатишлар туфайли кучли ўзгаришларга учраган ёдгорликларни учратамиз, бу эса пойтахт меъморчилигини ривожлантириш йўллари татқиқот этишининг ҳаддан ташқари қийинлаштиради. Бироқ, IX-XII асрлардаги унинг асосий йўналишлари озми ёки кўпми даражада аниқланиши мумкин.⁹

⁹ Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Том-3. 1977.с.259

Кўриб чиқиладиган даврнинг дастлабки пайтларда Константинополни ибодатхоналарида Византия меъморчилигини шарқ мактабини таъсирини сезади. Улкан қалин деворлар бинонинг ички кўринишида маҳобатли туради. Константинополдаги кейинчалик Қаландар-Жомий масжидига айлантирилган, Акаталепта монастирининг Мария Диакониса черкови ўзининг кўринишидан Месопотамияда жойлашган Майарфакиндаги черковга ўхшаш бўлган. Бино бешнефдан иборат гумбазли ибодатхона бўлиб, у IX асрнинг охириги йилларида қурилган бўлган. Унинг асосини унчалик ҳам ҳамма томонини баровар бўлмаган тўртбурчак ташкил этади. Бинонинг айрим қисмларини пропорцияларини муваффақиятли ўзаро боғлангани унинг кўринишига муносиб тус беради. Гумбазости қисмини қалаштириб қўйган тиргакларнинг яхлитлиги ва меҳроб қисмида марказий апсида томонига бинонинг девори билан чекланганлиги, ички бўшлиқни кенгайтиришга уринишга интилиш ҳақида тушунча беради. У тош устунлардаги учта алоҳида йўлак шаклида кетма-кет қурилган пештоқлари бўлган кенг катта тешикларда намоён бўлиб, булар бинонинг марказий гумбазости қисмини кенг чекка нефлар ва нартекс билан бирлаштирган. Апсидалар – ичкари томонда айлана шаклида, ташқи томондан уч қиррали иморат бўлиб, бино катта хоришларга эга бўлган.

1917 йилга қадар Константинополдаги Ликос водийсида Липс монастирга қарашли бўлган Мария Панахрантос черкови бор эди. Турклар даврида бу ибодатхона Фенари - Исса масжиди номи остида маълум бўлган. Бу иморат ҳам аввалгиси сингари бир неча марта қайтадан таъмирланган ёки қурилган. У иккита бир-бирига ёндош турган черковлардан иборат бўлиб, улар бино ичидаги узун тор йўлак ва шунингдек бинонинг олд томонига солинган узун умумий ойнаванд айвонга яъни галереяга эга бўлган. Липс монастири машҳур катта амалдор - Протоспафарий Константин Липснинг номи билан боғланган бўлиб, у 917-йилда Болгария билан урушда ҳалок бўлган эди. Шундай қилиб, бу иморат X асрнинг бошларига тааллуқлидир.

Шимолий черков биринчи бўлиб барпо этилган бўлиб, у бешта нефдан иборат бўлган, хочсимонгумбазли хорилари бўлган ибодатхона эди.

Уни Мария Диякониса черкови билан таққослаганда шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, бу жойда меъморлар илгаригидан ҳам янада кўпроқ даражада бинонинг ички бўшлиғини уни қалаштириб қўйган тирагаклардан озод қилишга ҳаракат қилишган. Липс монастирининг шимолий черковини кўринишидан маълум бўлишича, шарқий томонидаги меҳроб қисми ва ғарбий томонидаги нартексдан ташқари, барча ички учнефли жойлари тўла бўш эканлиги маълум бўлди. Гумбазининг распорини оғирлигини ўзида тутиб турган бўш тиргак устунлар, ўртадаги ёнбош нефларини чеккадагилардан ажратиб турувчи хочсимон устунлар ва улар орасидаги учтадан тешиклар, улар деворларга қўшилган жойларда илгаригига нисбатан анча нозик ишланган. Иморатнинг барча қисмларини бирлаштирилиши, қатъий ажратиб қўйилган шарқий қисмини истисно этганда, анча кетма-кетлик билан бажарилиб, нефларнинг кенглиги бир ўлчов, яъни меъёردа бўлган.

Яна ҳам оз даражада, давр бўйича Константинополни ибодатхоналари орасидаги илгари мавжуд бўлганлари ичида Феодосия гавани яъни денгиз бўйида кемалар турадиган махсус жойдаги Мирелеон монастиридаги Роман Лакапин ибодатхонаси ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ушбу иморат кейинчалик Будрум-Жомий масжиди деб номланган. Бино бир неча марта қайта таъмирланган, кейинчалик эса тўла ёниб кетган. Унинг қолдиқлари ўрнини текшириш натижаларнинг гувоҳлик беришича, у уч нефли хочсимонгумбазли ибодатхона бўлган. Император Алексей I нинг онаси Анна Далассина вақтида Оламни қутқарувчи Пантепонтга бағишланган беш нефли хочсимон гумбазли ибодатхона барпо этилган ёки қайта қурилган. Бу иморат кейинчалик Эски – Иморат деб номланган масжидга айлантирилади. Константинополнинг бошқа беш нефли ибодатхоналари каби бу жойда ҳам ён томонидаги нефли ёғоч шиплар ва нефлар ҳамда нартекс устида айланасига жойлаштирилган хориларга эга бўлган. Иморатни ғарбий

қисмини бурчагида иккита миноралар жойлашган бўлиб, улар ўртасида эксонартекс мавжуд бўлиб, ундан ғарбга томон учта тешиklar очилган. Барабан, яъни бино гумбазини ушлаб турадиган қисмидаги гумбаз ички томондан айлана ва ташқи томондан ўн икки қиррали кўринишда, тўртта устун устига ўрнатилган бўлиб, уларга турklar даврида саккизқиррали шакл берилган. Бажарилиши мукамаллиги жиҳатдан бу бино – Константинополни ўша даврга оид ёдгорликлари орасида энг яхшиси ҳисобланади. Черковнинг кўриниши Липс монастири ибодатхонаси кўринишини эслатади. Худди ўша жойдаги сингари, бинонинг ички қисми тўсқинлик қилувчи улкан деворлардан озод қилинган. Тўртта эркин турган гумбазости устунлари, кенг тешиklари - бинонинг гумбазости қисмини ён тарафдаги тешиklar билан боғлаб турган, ва бошқа томондан улкан деворлар билан ажратилган меҳроб қисми ва нартекс бу иккала ёдгорликлар учун характерли ҳисобланади.

Феодора черкови биноси, хойнахой, XI-асрнинг иккинчи ярмига мансуб бўлиб, кейинчалик Мулла Гуроний ёки Килиссе масжиди деб номланган. Бинонинг дастлабки кўриниши, кейинчалик кўп марта қайтадан ўзгартирилганлиги туфайли қўшимча ўрганилиши лозим бўлади. Бироқ аниқланган ҳолатлар, унинг меъморчилик шаклларида пойтахт меъморчилигини келгусида ривожланишига туртки бўлган айрим янги хусусиятлар номоён бўлган деб ҳисобланишга асос бор.

Гумбазости таянчларини нозиклиги, тешиklarни кенглиги туфайли бутун бино баҳаво бўлиб, унинг ичкари томони маҳобатли кўриниш олди. Бутун интерьерни ҳал этишида бинонинг қисmlари янада бирлаштирилди, бу илгаригидан ҳам янада изчиллик билан амалга оширилди.

Ибодатхонани ички қисмини ягона яхлитга бирлаштириш жараёни XII - асрда ҳам давом этгани ҳақида Пантократор монастирини жанубий ибодатхонаси бўйича мулоҳаза қилиш мумкин бўлиб, кейинчалик бу черков Зейрек масжиди деб номланди. Монастирни ҳар иккала ибодатхонаси ҳам XII асрда вужудга келган. Шимолий ибодатхона - шу асрнинг биринчи чорагида,

жанубий ибодатхона эса - иккинчи чорагида барпо этилган. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам бир бирига ёнма ён қилиб қурилган хочсимонгумбазли ибодатхоналар бўлиб, кейинчалик амалга оширилган қайта қурилишлар туфайли улар ўртасида бир нефли бир апсидали черкови бўлган уч нефли ибодатхонага айлантирилган.

Ҳам шимолий, ҳам жанубий черковларда гумбазости ёғоч устунлар, колонналар яъни тош устунлар алмаштирилган, пештоқлардаги тешиклар янада кенгайтирилди. Шу билан бирга XII аср ибодатхоналарида, ибодатхонанинг уч нефли марказий қисмини чекка нефлари ажратиб қўйиш тенденцияси яъни интилишлар намоён бўлади. Буларда, кейинги вақтларда қурилиши кенг ёйилган ибодатхоналар каби мўжазгина унча катта бўлмаган ибодатхона барпо этишга интилиш кузатилади. Шундай қилиб, XII асрда беш нефли хочсимонгумбазли катта ибодатхона гўёки келгусида яхлит бино сифатида ривожланиш имкониятини тугаллайди ва ташқи кўриниши ўзгара бошлайди. Шу нуқтаи назардан унинг уч нефли ўзагини ажаратиш ва бионинг чекка ён қисмларини очиқ пешайвонларга айлантирилиши жуда ўзига ҳос ҳисобланади.

Пойтахт ибодатхоналари меъморчилигини XI-XII асрлар учун характерли бўлган муҳим белгиси, кўринишнинг янги ечимларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, интерьерни безатишни ўзига ҳос шакллари яратиш ҳисобланади. Кичкина, пастак шакллари ва ғайритабиий, одатдан ташқари ажойиб мутаносибликлар учрайди.

VI-IX асрлардаги ёдгорликлардан фарқли равишда, X-XII асрлар мобайнида деворларни сирти, сатхини жонланиши, апсидни безатиш гумбазларини барабанини яъни бионинг гумбазини ушлаб турадиган қисмини колонкалар яъни устунлар билан, қирралар, токчалар, нақшлар билан безатиш кузатилади, булар ғиштдан қурилган дераза тешиклардан иборат бўлган. Бу нарса, масалан, ҳозиргача сақланиб қолган меъморий ёдгорлик Мулла Гуроний масжидидан яққол кўриниб турибди. Грекча хоч шаклида барпо этилган бионинг барча конструкция қисмлари ташқаридан

гумбазлар ва равоқлари билан намоён бўлади. Яримдоиравий токчалар, деворлардаги ғишт ва тошларни навбатма-навбат жойлаштирилиши ибодатхонанинг ташқи кўринишида ҳамиша бирхилликни жонлантиради.¹⁰

Ўша давр меъморчилигида хочсимонгумбазнинг ҳар қанча катта ролидан катъий назар у шунга ўхшаш бошқа иморатларни аҳамиятини йўқотмаган. Меъморларнинг фикр-мулоҳазаларининг бойлиги, илк Византия ёдгорликларида асос солинган бўлсада, бошқа шаклларни қидиришда, ғояларни ривожлантиришга акс этди. Шу нуқтаи назардан, XI асрда барпо этилган Паммакаристос ибодатхонаси биноси ўзига алоҳида эътиборни жалб этади, кейинчалик бу черков Фетия масжиди деб номланди.

Ибодатхона биноси, Олтин шох гаванининг тепасида, Константинополнинг бешинчи адирида қурилган бўлиб, у Паммакаристос монастирига тегишли бўлган. Черковдаги ёзувга кўра, черков иморати 1067-йилда вафот этган Иоанн Комнин ва унинг хотини Анна Далассиналарнинг хомийлигида қурилган. Ўзининг ҳажми жиҳатдан унчалик катта бўлмаган бу бино, гумбазли бир апсидли ибодатхонани ташкил этади. Марказий қисми уч томондан перистил - кубба равоқли галереялар яъни бино ичидаги узун тор бўлак ва шунингдек бинонинг олдида солинган узун ойнаванд айвон билан қуршаб олинган. Бурчакларда галереяга туташиб кетган унга катта бўлмаган тўғри бурчакли хоналар бўлиб, у хочли куббалар билан ёпилган.

Умуман олганда, IX - XII асрлардаги пойтахт меъморчилиги, Константинопол меъморчилик мактабини ибодатхона қурилишини шакллари яратиш соҳасидаги самарали ишларидан далолат беради. Ўша даврдаги Византия маданиятини маркази сифатида Константинополни аҳамиятини тан олган ҳолда, Византия вилоятларида қурилиш санъатида катта ва муҳим ютуқларга эришилганини таъкидлаш мумкин. Греция ёдгорликларида ва империянинг айрим бошқа ҳудудларида - интерьерни ҳал этишда ташқи жиҳозларда, қурилиш материалларидан маҳаллий анъаналар

¹⁰ Архитектурное наследство. Сборники 1 — 48. М., 1990.с.98

руҳида фойдаланишда кўплаб ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Одатда бинолар кенг, маҳобатли ва мураккаб кўринишда қурилган Константинополдан фарқли равишда вилоятларда унча катта бўлмаган ҳажмдаги, асосан уч нефли ибодатхоналар қурилиши кенг тарқалган.

Хочсимонгумбазли ибодатхоналар Грецияда хали IX асрнинг 70-йилларидан бошлаб қурила бошлаган, бироқ шакллари жиҳатдан Константинополнинг шунга ўхшаш биноларидан анчагина фарқ қилган. Шунга ўхшаш биноларнинг илк намуналаридан фавқулотда қизиқарлиларидан бири Беотиядаги Скрипу монастир черкови ҳисобланиб, ундаги ёзувда кўрсатилишича 873-874-йилларда протспафарий Лев томонидан барпо этилган. Бу ёдгорликни Фессалоникадаги София ибодатхонаси билан таққослаганда, ҳар икки ёдгорликни бир - биридан ажратиб турган тахминан бир ярим асрлик даврда меъморчилик тафаккури катта йўлни босиб ўтганлигидан далолат беради. Марказида гумбазли ҳоҳ баланд кўтарилиб турган кўринишида барпо этилган Скрипудаги ибодатхонанинг биносини бутун ички тузилиши ташқаридан кузатганда маълум бўлди. Ҳочнинг тармоқлари ташқи ўлчамда баланд деворларда кўриниб туради, бинонинг ичкарасида кўндалангига тушган ва узунасига ишланган хоналар билан чегараланиб туради. Кўринишида уни асосида ётган уч нефли базилкани аниқ уқиб олиш мумкин, марказида кўндалангига тушган уч неф ва тугалланган гумбаз билан туташган. Бинонинг кўринишидан унинг салмоқдорлигини ва яхлитлиги сезилиб туради. Унча катта бўлмаган ва ораси очиқ қилиб ўрнатилган деразалар ибодатхонага ичкарида қорамтирроқ тус беради. Унинг хусусияти ўзининг салмоқчилиги билан шарқий Византия меъморчилик мактаби асарини эслатади. Шу билан бирга ташқи кўринишига ҳам этибор қаратилганлиги яққол кўриниб туради. У нафақат конструктив белгиларни очиқлигида кўринади, бунда ёдгорликни ибодатхона эканлиги узокрдан кўриниб туради, асосий апсидани деворларини барелбефлар ва медальонлар билан безатишда булар

хайвонларни тасвирлари билан ўсимлик ороamentiни гажаклар билан тўлдирган.

Ҳоч гумбазли хилдаги унча катта бўлмаган бинолар бутун Греция территорияси бўйлаб турли - туман кўринишларда учрайди. Бу хилдаги бинолар Грецияда энг кўп тарқалган бўлган. Маҳаллий меъморчилик мактаблари унга турлича шакллар берган. Асосий ва ёнбош нефларининг ўртадаги боғланишидаги мутаносиблик бинонинг шарқий қисми апсидал яқунларни, гумбазларни, деворларни, орнаменти, манзарали жиҳозлаш шакллари кўплаб вариантлари қўлланилган.

Агар Скрипудаги черковни кўриниши билан, 1049-йилда Афинада қурилган Феодора ибодатхонасини кўриниши билан солиштирилганда, Феодор черковидаги бинонинг қисмларини анча уйғунлиги ва нафислиги кўзга ташланади. Меъморлар бунга, нефларни кенгайтириш ва қисқартириш, кўндаланг, энига тушиб дўппайиб чиқиб турган жойини йўқ қилиш йўли билан эришган бўлиб, чунки булар Феодора ибодатхонасида бинонинг асосий тўғри бурчакли кўриниши ҳамда апсидни энг яхши безатилиши таркибида бўлган. Буларнинг барчаси сўзсиз маҳаллий меъморчилик мактабини меъморчилик тафаккурини ютуғи бўлиб, қўйилган топшириқни шу сингари ечимига ўхшаш яна бир қатор ажойиб ёдгорликлар берди.

Шу қатори вилоятларда, базилика кўринишидаги иморатлар қурилиши ҳам кенг тарқалган. Бу меъморий ёдгорликларнинг кўпчилиги, ўзининг кўринишидан қатий назар атрофда ўраб турган бинолар орасида ташқари томондан анча ажралиб турган. Илгари истисно қилинган ва айрим биноларнигина беэаб турган гумбазлар, эндликда айниқса, XI асрдан бошлаб ҳамма жойида қўлланилди. Гумбазлар ўзининг шаклини ўзгартирди, гумбазлар диаметри бўйича торроқ бўлиб қолган бўлсада, бироқ уларни одатда кўпқиррали барабанларга яъни бинонинг гумбазини ушлаб турадиган қисмига ўрнатилгани туфайли анча баланд бўлиб қолди. Гумбазларни қирралари, аркадалар яъни йўлак шаклида кетма – кет қурилган пештоқларни ушлаб тураган баланд устунлари орқали янада маҳобатли кўринган. Бино

гумбазини ушлаб турадиган қисмига тешиб ўрнатилган баланд деразалар бинонинг вертикал яъни тик тушган қисмини бошқача кўрсатиб, гумбаз ҳақида катта тасурот қолдирган. Бинонинг барча конструкцияси жиҳатдан муҳим ички элементлари унинг ташқи жиҳатида, ҳажмида ҳам этган.

Меъморий ёдгорликларни ташқи безатиш муҳим аҳамият касб этиб, уларга гўзаллик, кўркемлик бахш этган. XI ва айниқса, XII асрда биноларни ташқи томондан ўсимлик ва ҳайвонларни барельефи яъни текис юзага бўрттириб ишланган сурат ёки нақши билан безатила бошлади. Баъзан унинг чизикли йўллари орасида грек алфавитининг ҳарфлари ҳам учрайди. Анча илгари қурилган ибодатхоналарга сурат ва нақшлар анча содда ишланган бўлса, кейинчалик улар борган сари мураккаблаша бошлади. Нақшларни чизиклари мураккаб геометрик чизиклар ва бўртмалар шаклида берилган. Грециянинг айрим меъморий ёдгорликларида XI асрдан бошлаб нақшлар орасида куфий шрифтидаги ҳарфлар учрайди. Деворларни текис юзасига бўрттириб ишланган нақш ва суратлар билан бир қаторда деразаларни атрофларини бадий жиҳозланиши ўзига эътиборни қаратади, булар бир неча марта такрорланиб, декоратив характерга эга бўлади. Кўпинча уч қанотли ёки жуфт қанотли деразалардан фойдаланилаган, уларнинг ёйсимон пештахталари бирлаштирилган, қўшилган бўлган. Ибодатхона биноларнинг ташқи кўринишида турли - туман ва бой манзараларни ихтиролари кўзга ташланади.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган даврда Византия меъморчилигида ўта маҳсулдорлик кузатилади.

III-БОБ.

3. Византия меъморчилигини шаҳарсозлик билан узвий боғлиқлиги масаласи.

Византия шаҳарсозлиги Қадимги Рим шаҳарсозлигини давом эттирди ва бошқа мамлакатлар шаҳарсозлигида ўзига хос, чуқур из қолдирди.

IV аср охирида Рим империясини икки қисмга бўлиниши ва император Константин томонидан Шарқий империянинг пойтахти қилиб собиқ Византия шаҳри ўрнидаги Константинопол шаҳрининг қурилиши натижасида янги давлат ва янги маданиятга асос солинади.

Византия меъморчилиги асосан уч даврдан иборат ривожланиш йўлини босиб ўтган:

1. Илк Византия меъморчилиги даври (V- VIII асрлар).
2. Ўрта Византия меъморчилиги даври (VIII — XIII асрлар).
3. Сўнгги Византия меъморчилиги даври (XIII - XV асрлар).

Меъморлар V-VII асрдаёқ шаҳарларни режалаштиришнинг янги услубларини яратишди. Янги кўринишдаги шаҳар марказида бош майдон ва ибодатхона жойлашиб, унда шаҳарнинг турли томонларига кўчалар тарқалган. Худди шу пайтдан кўп қаватли, пештоқли уйлар, бойларнинг мустаҳкам қошоналари, саройлари пайдо бўлди. Византияда черков ва ибодатхоналар қурилиши ҳам юксак санъат даражасига кўтарилди. 532-537 йилларда император Юстинианнинг буйруғи билан бунёд этилган Муқаддас(Аё) София ибодатхонаси бунга мисол бўла олади. Бино гумбази диаметрининг 30 м. дан ортиқ бўлиб, ибодатхона ичидаги устунлар, унинг деворлари турли рангдаги мармарлар ва мозаикалар билан қопланган.

Ўрганилиб чиқиладиган даврда рассомлик, наққошлик, хайкалтарошлик, ўймакорлик, меъморлик, бинокорликда антик даврда яратилган барча маданий бойликлар қайта кўриб чиқилди. Ҳамма жойда дунёқарашда чуқур, теран силжишлар, ўтмиш ғояларидан узилиш турли шакллар ва хилма-хил даражада кўринишда амалга ошгани кўрилади. Ўтмишда юқори даражада

ривожланган думалоқ хайкалтарошлик Никей йиғилишида черков томонидан кораланади ва ортга қайтди. Махобатли рассомлик ва наққошлик ибодатхона бинолари жиозларини органи таркибини маълум бир қисмига айланиб, катта аҳамиятга эга бўлади, христианликни расмий дин сифатида тан олган, бундай бинолар ҳамма жойда қурила бошлади. христианлик ўзининг ёйилиши ва мустакам қарор топиши воситаси сифатида санъатдан кенг фарқлана бошлади.

Византияда фуқоролик уй-жойлари қурилиши тўғрисидаги маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Археологик қазимша ишлари натижасида топилган биноларни қовлаб аниқлаган пойдеворлари, мозаика яъни ранг-баранг шиша, тош ва ёғоч ҳамда шу қабилар қадаб солинган гул нақшли, поллардаги тасвирлар ва айрим деворларга ишланган нақш ва гуллар, шунингдек ёзма манбаларга асосланиб илк Византия шаҳарларини нисбатан қандай кўринишга эга бўлганлиги, уларни маълум бир тартибда жойлашганлиги, кўча ва уй-жойларни режа билан барпо этилгани хусусида жуда яқин бир тушунчага эга бўлиш мумкин.

Мавжуд материаллар илк Византиянинг Константинопол, Фессалоника, Александрия сингари йирик марказларини кесиб ўтган асосий магистраллар яъни энг серқатнов марказ кўчалари пешайвонлар ва қатор-қатор устунлар билан безатилган; бу жойларда ҳар-хил турдаги жамоат бинолари ва зодагонларнинг сарой ва қасрлари жойлашган бўлган. Тоғлик ерда жойлашган шаҳарларда аҳолини турар жой даҳалари, майдонлари ва турли хил жамоат иншоотлари бир-бирига яқин ва акропол яъни шаҳарларни истехкомлар билан ўралган марказий қисмларининг атрофида жойлашган.

Аҳоли турар-жой даҳалари, вақт ўтиши билан эллинистик шаҳарлар, аҳоли яшаш даҳаларига ҳос бўлган геометрик жиҳатдан тўғри ва аниқ тузилиш ҳолатини йўқотган. Борган сари кўпроқ, қинғир-қийшиқ кўчалар учрай бошлади. Константинополда кўчаларининг кўпчилиги энига икки ярим метрдан ошмаган. Одатда шаҳарларни ҳамма томонидан миноралари бўлган мудофа деворлари қуршаб олган. Уй жойларнинг кўпчилиги икки қаватли

килиб курилиб, юқори қаватларида солярий яъни куёш ваннаси қабул қиладигон жойлари бўлган. Жойини тоғлик рельефларнинг ҳолатини талаб қилган ҳолларда бино қаватларининг сони кўпайтирилган. VI асрдаги конунлардан бирида Константинополни хусусий уй-жойларида галерея яъни бино ичида узун тор бўлак ва шунингдек бинонинг олдида солинган узун ойнаванд айвон ва солярийлар фақат биргина ёғоч тахталардан қурилмаслиги лозим, балки „ромея услубида қурилиши зарур“ деб кўрсатилган. Кўчаларни бу солярийларини кўтариб турган ёғочдан ва тошдан ясалган устунлар билан қалаштириб ташлаш ёки тўсиб қўйиш, шунингдек кўча томондан иккинчи қаватга олиб боровчи ташқи шотилар, поғоналар қуриш тақиқланган. Уй-жойларни бир-биридан ўн икки фут (бир фут - 30,479см га баровар келадигон рус ва ингилиз ўлчови ёки 3,5 метрни ташкил этган) масофада яқин жойда қурилишига русат этилмаган.¹¹

VII—VIII асрларда Византия давлати заифлашган даврда шаҳарлар аҳолисининг нуфузи кескин камайди. Баъзи шаҳарларнинг аҳолиси тарқаб кетди ёки Эфес ва Коринф шаҳарлари аҳолисига ўхшаб ҳавфсизроқ, бошқа жойга кўчиб кетди. Шаҳарларда ташқи кўрғонлар деворларидан бўлак, алоҳида «кастрон» (қалъа)лар барпо этилди. Айни вақтда шаҳарларнинг атрофларида деҳқонлар нуфузи ошди, қишлоқлар кўпайди.

Европада қурилиш - меъморчилик соҳаси, айниқса XI асрдан бошлаб тез ривожланди. Дастлабки пайтда бинолар ва ҳатто, феодал задогонлари қалъалари ҳам ёғочдан қурилган. Ўртаер денгизи ҳавзасидаги шаҳарлар қурилишида тошни ашё сифатида ишлатиш учун бир неча аср керак бўлди.

Тошнинг юмшоқ турлари бўлмаган мамлакатларда, жумладан, Англия ва Польшада бинолар пишиқ ғиштдан қурилган. Ибодатхоналар ва монатирлар тошдан қурилган. Ўрта асрда бадий услуб ҳодисаси пайдо бўлади. Ўрта аср ғарбий Европа меъморчилигида X-XIII асрларда роман услуби кенг тарқалган. Роман тушунчаси Рим, яъни Қадимги Рим маданиятига боғлиқ деган маънони англатади. Бу санъат асарларида қадимги Рим санъатининг

¹¹ Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Том-3. 1977.с.269

сўнгги даврига хос услубларга ишора қилганига муҳим ишора эди. Ушбу услубнинг меъморчиликдаги ўзига хос жиҳати, бу йирик биноларнинг қатъий геометрик шакли, тузилишининг оддийлигидир. Роман меъморчилик биноси кўриниши сокинлик ва мағрурлик ҳиссини уйғотар эди. Фақат монастирлар, ибодатхоналаргина эмас, ҳукмдорларнинг қасрлари ҳам роман услубида қурилган. Умуман, санъатнинг янги юксалиш даври шартли равишда роман даври номини олган. Бу кўпроқ XI - XII асрларга тўғри келади.

Роман услубининг моҳияти – катта текисликлар мавжуд бўлган ҳолда вертикал ва горизонтал тўғри чизиқлар, энг оддий геометрик шакллар устунлигидир.

Қурилишда арк, равоқлардан кенг фойдаланилган ҳолда, эшик ва деразалар тор қилинади. Бинонинг ташқи кўриниши аниқлик ва оддийлик, совуқлик, айрим ҳолларда қоронғулик билан йўғрилган, буюклик ва вазминлик билан ажралиб туради.

Роман услуби Францияда айниқса кенг тарқалди. Бунга Ключнийдаги черков, Клермон- Франдаги Нотир Дам дю Пор черкови мисол бўла олади.

Бу услубдаги дунёвий бинолар шакли оддий бўлиб, уларда нақшинкор безаклар деярли йўқ эди. Бинонинг тури феодал-рицар учун бир вақтнинг ўзида ҳам уй, ҳам мудофаа иморати бўлиб хизмат қиладиган қалъа – қасрдир. Кўп ҳолларда бу – марказида минора мавжуд бўлган ҳовлидир. Бунга бизнинг давримизгача етиб келган Сенадаги Шато Чайар қасри харобалари мисол бўла олади.

Германиядаги роман меъморчилик услубида қурилган иморатларга Ўрта Рейндаги Вормс, Майнц ва Шпеере шаҳарларида жойлашган черковлар мисол бўла олади.

Ўрта асрлар санъати ва меъморчилигидаги кейинги давр – готика услубини яратилиши билан машҳурдир. Шаҳарларда XII аср охиридан эътиборан савдо расталари ратушалар, шифохоналар ва меҳмонхоналар қурилиши кенг авж олди. Ўрта аср шаҳри марказидаги энг чиройли ва

хашаматли бино, бу ибодатхона эди. Уйғониш даврида пайдо бўлган «готика» атамаси шартли бўлиб у герман кабилаларидан ҳисобланган готлар номидан олинган (готларнинг асли ватани Скандинавия бўлиб, кейинчалик Болтиқ бўйида, Қора денгизи қирғоқларида истиқомат қилганлар. Уларнинг ҳозирги Молдова ва Руминиянинг шарқий ҳудудларида яшайдиган қисмлари вестготлар, шимолий Қора денгиз бўйи, Днестрнинг шарқий томонларида яшовчи-остготларга бўлинган. IV - асрнинг 70-йилларида хунлар готларнинг ерларига ҳужум қилиб, 370 йилда вестгот, остгот ҳамда қарашли даш кабилалари иттифоқини тор-мор этишади).

Юксаклика интилган готик тасвирлар, христианлик диний иморатларининг баланд гумбазлари юксакликка, маънавиятга интилиши рамзи эди.

Мазкур улубдаги биноларнинг мумкин қадар баландроқ қилиб қуришга интилишнинг яна бир сабаби бор. Гап шундаки, аҳоли сони ошиб борган, баланд ва мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралган шаҳар майдонини кенгайтириш осон бўлмаган. Бу эса, энига ўсишга имкон топа олмаган биноларнинг бўйига ўсишга олиб келди. Ярим доирали куббали пештоқ ўрнига эндиликда учи найзасимон пештоқ қилинадиган бўлди. Бу учли пештоқ ва гумбазларни Европага дастлаб мусулмон усталари олиб кирдилар. Гумбазлар синч устига ўрнатилиб, ибодатхоналарнинг баланд ва кўркам ишланган устунларига таяниб турарди. Шу тариқа, ҳозирги замон қурилишида ишлатиладиган темир-бетон ва пўлат каркаслар (синчли) каби қурилмалар пайдо бўлди.

Ибодатхоналар шаҳар кенгаши буюртмаси билан қурилган. Улар фақат черковнинг қудратини намоёиш қилибгина қолмасдан, шу билан бирга шаҳарлар эркинлиги тимсолини ҳам ўзида мужассамлаштирган эди. Тик қоя тоғларни энг тепасида ингичка найза ўрнатилган баланд миноралар - буларнинг барчаси бинони тобора юқорига кўтарилаётгандай кўрсатарди. Готика услубида қурилган энг йирик ибодатхоналар минорасининг учи 150 метрга етади. Франциядаги Шартр шаҳридаги бутхонанинг баландлиги 115

метрни, Страсбургдагиси - 142 метр, яъни 48 қаватли бинонинг бўйига тенгдир. Ушбу йирик иншоотлар баъзан юзлаб йиллар давомида қурилган.

XIII - асрда Италия ва Германияда, XII асрда Францияда готика услуби тўла ҳукмронлик қилди. Бу даврда меъморчилик санъатининг бутунлай етакчи турига айланиб, бунда диний иншоотлар - черков ва ибодатхоналар қурилиши устивор йўналишни ташкил қилади. Готик меъморчилик икки қисм - тузилиши (конструкция) ва декорация (безаклар)нинг органик бирлигидир.

Готик тузилишнинг моҳияти бино мустаҳкамлиги ва чидамлигини таъминловчи ўзига ҳос асос-мускул яратишдандир. Агар меъморчиликда иншоот мустаҳкамлигига деворлар катталиги билан эришилса, готик услубда эса у оғирлик кучини тенг тақсимлаш билан таъминланган. Готик тузилиши уч асосий қисмдан таркиб топади:

- 1) аркдаги учли қубба;
- 2) аркбутан (ярим арка)тизими;
- 3) қудратли контрфорслар(эшик тирговучлар).

Демак, готик иншоотларнинг ташқи кўринишдаги ўзига ҳослик - бу ўткир учли миноралардан кенг фойдаланишдир. Готикада деворлар асосий ролни ўйнамаганлиги учун бино ичидаги ёруғликнинг эркин киришини таъминловчи кенг эшик ва деразалардан фойдаланилган. Бу христианлик учун катта аҳамият касб этган. Негаки у ёруғликка илоҳий, сирли ҳодиса сифатида ёндошади. .

Готика услубининг бешиги Франция эди. Париждаги Момо - Хаво черкови XII-XIII асрларга мансуб бўлиб, у илк готиканинг ҳақиқий мўжизасидир. Унинг узунлиги 130 метр, кенглиги 50 метр, баландлиги 35 метр бўлиб, бино бир вақтнинг ўзида 9000 кишини сиғдира олади. XIII-XVI асрлар давомида Германияда қурилган Кёльдаги баландлиги 757 метрлик черков ҳам готик услубга мисол бўла олади.

Қадимги Русдаги катта гумбазли ибодатхоналардан энг машҳурлари Киевдаги София (XI аср.), Владимирдаги Успенский (XII а.), Нерлдаги

Покров черковлари (XII а.) дир. Готика услубининг ютуқлари Амьен ва Ремс собори (XIII аср) томонидан янада ривожлантирилди. Германияга готика Франция таъсирида тарқалди. Бу ердаги машҳур иморатлардан бири Кёльндаги черковдир. Англия готикаси ҳам кўп жиҳатдан француз моделини давом эттиради. Англия қироллари ва буюк инсонлар мақбараси бўлган Вестминстер аббатлиги ҳам ушбу услубга мисолдир.

Ўрта асрларда қурилиш - меъморчилик соҳасида ҳам катта бурилиш юз берди. Бинолар янада гўзаллашиб, кишилар учун қулайликлар ортиб борди. Бу даврдаги Европа меъморчилигида роман ва готика услубларидан ташқари Италиядаги Византия услубидан (Венециядаги Авлиё Марк черкови, қисман Дожлар саройи ва бошқалар) ҳамда Испаниядаги араб услубидан (энг машҳур ёдгорликлар: арабларнинг Гранадаги Ал-Хамро номли собиқ сарой-масжиди, ҳозирги Севилия собори ва Севилиядаги Ал-Қасар – қасри) ҳам фойдаланилган.¹²

Ўрта асрларда ҳайкалтарошлик санъати меъморчилик билан узвий боғлиқ равишда ривожланди. Ибодатхона ва черковлар худо, пайғамбар, авлиёлар, епископ ва қиролларнинг юзлаб ҳайкаллари билан безатилган. Ҳайкалларга асосий буюртмачи черков бўлганлиги боис, улар диний мавзуда яратилган. Ҳайкалтарошларни, айниқса онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббатини улуғлаш қизиқтирган. Бу ҳол Биби Мариямнинг кўплаб ҳайкалларида ўз аксини топган.

Европада уни «хоним», «бекам», деб улуғлашган ёхуд «мадонна» деб аташ расм бўлган.

Инсон танасининг гўзаллигини улуғлаган антик давр санъаткорларидан фарқли ўлароқ, ўрта аср усталари одамларнинг фикри, ҳис-туйғуси ва кайфиятларини, яъни кўпроқ ички дунёсини ифодалашга ҳаракат қилишган. Роман услубидаги ҳайкалларда одамлар айтарлик даражада жозибали тасвирланмаган. Усталар одамларнинг қайғу аламларини ёки хурсанчиликларини, ички ҳис-туйғу ва кечинмаларини бўрттириб акс

¹² Қадимги дунё ва Ўрта асрлар меъморчилиги тарихи. Маърузалар матни. СамДАҚИ. 2000-й.67-бет

эттириш ниятида ҳайкалларнинг ҳолати ҳаракатларини кўп ҳолларда ғайритабiiй кўринишда (нимжон, озғин, хунук) акс эттирганлар.

Готика услубидаги ҳайкалларда одамлар киёфаси бирмунча тўғри тасвирланган. Уларнинг қадди қоматлари, кийимлари бурмаларидан ҳам билиниб туради. Ҳайкалларда кўпроқ ҳаракат ҳолати ифодаланган.

Истеъдодли усталар ҳаётда кўрган нарсаларини кўп ҳолларда ишонарли қилиб тасвирлашга интиланганлар. Ҳайкалтарошларда аста-секин инсон ташқи киёфасининг гўзаллигини тасвирлашга қизиқиш орта борди.

Роман услубида қурилган ибодатхоналарнинг ички деворларига, шифтга кўп сурат солинади. Бу суратларда азиз авлиёлар, худо сиймолари тасвирланарди. Сўнгги даврларда қурила бошланган готика услубидаги ибодатхоналар деворларида суратлар нисбатан кам бўлган. Уларнинг ўрнига катта деразалар, қўрғошин гардиш билан бир-бирига уланган, рангли ойна парчаларидан ишланган витражлар, сурат ва манзаралар ибодатхона ичидаги устунларда, гумбаз ва полда жилваланиб, унга бениҳоя чиройли ҳамда тантанали тус берган.

Византия шаҳарсозлиги бу ҳудуддаги кейинги давр шаҳарларига биринчи навбатда Шарқий Европада ўз таъсирини кўрсатди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Византияда қурилиш техникаси: ғишт қилиш, жуда ажойиб оҳақ қоришмаси тайёрлаш, ғишт териш санъати, монументал куббалар, улугвор гумбазлар ва шу кабилар яратиш техникаси ўз замонаси учун жуда юксак даражада эди.

Византияда IX—XI асрларда рассомлик — деворга расм солиш ҳам, кошинкорлик тасвирлари ҳам зўр бериб ривожлана борди; рассомликнинг бу шакллари Византияда тобора қатъий тус олиб ва услублашиб борди.

Византияда бадий ҳунармандчилик ҳам юксак даражада ривож топди. Қимматбаҳо ипак газлама, кимхоб, гилам тўқиш кенг тарқалган; заргарлик, бадий кулолчилик, шиша буюмлар яшаш, сир (эмаль) тайёрлаш айниқса тараққий этган эди. Византия ҳар хил қурол-яроғ

ишлаш, кемасозлик, кончилик (руда, мрамор қазиб чиқариш) ва ҳоказолар билан донг чиқарганди.

Византия меъморлигининг ривожланган даври VI-асрга тўғри келади. Бу даврда Константинопол жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган. Шаҳар атрофи мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралиб, хандақлар қазилган (V – асрнинг биринчи ярми). Шаҳар маркази (Агустион майдонида Қадимги Рим меъморлиги таъсирида зафар токи (арк)лари, форумлар, черков бинолари, император саройи, отчопар, акведуклар қурилган. Византия меъморлик мактабида «плинфа» яъни ясси кенг ғишт иўлатиш кўп қўлланилган. Ибодатхона қурилишида *базилика* услубидан фойдаланилган. Кейинчалик бу услуб қўшни мамлакатлар меъморлигига таъсир қилган. Ибодатхоналар ташқи кўриниши кўпол ва оғир бўлиб, ички кўриниши эса, аксинча, ўта ҳашамдор бўлган (Салоникидаги Авлиё Дмитрий базиликаси, V-аср; Авлиё Георгий ротондаси, IV-аср охирида қайта қурилган). Константинополдаги Аё София ибодатхонаси (532— 537) юксак маҳорат билан қурилган маҳобатли иморат бўлиб, гумбазининг диаметри 31,4 м, баландлиги 55 м дир. Турар жой бинолари асосан кўп қаватли, бош тарзи равоқли қилиб қурилган, пастки қаватида савдо расталари ва устахоналар жойлашган.

VII—IX-асрларда Византия ибодатхона қурилишида ўрта аср итальян меъморлиги услубига хос бўлган ренессанс анъаналари асосида иморатларнинг хочсимон гумбазли мумтоз тури қўлланилган (Никеядаги Успения черкови, VII-аср; Салоникидаги Аё София черкови, VIII-аср). IX—XII-асрларда бинолар пойгумбазидаги қалқонсимон шағаллар тош бўлаклари ва ғиштан мавжли безакдор қилиб теришиб, равоқсимон поғонали шаклда кошин қопланиб, рангли суратлар ишланган, булар қаторига Мирелеон ибодатхонасини, унинг туркча Будрум жоме, 930 йилда қурилган, Феодор черковини, унинг туркча номи Килисе жоме, XI-асрнинг иккинчи ярмида қурилган, Пантократор ибодатхона мажмуаси туркча номи Зейрек жоме, XII-асрда қурилган ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. XI—XII-

асрлар меъморий безакларида Болқон славян меъморлиги таъсири кўзга ташланади: Салоникидаги беш гумбазли Апостол черкови, туркча номи Соуксу жоме, XII асрга мансуб; пастқам П-симон шаклдаги галереяли марказий катта гумбазли хона ва атрофидаги 4 бурчакда жойлашган кичик гумбазли хоналардан иборат бўлган. Пастки қавати базилика шаклида, юқори қавати эса хочсимон гумбазли кўринишдаги биноларнинг: масалан Константинополдаги Текфур саройи, XII аср; Мистра ҳукмдорлари саройи (XI-XII асрлар) интерьерлари безакларида Мистра ш. манзаралари ва монастыр мажмуалари, масалан Афон ва бошқалар, кўриниши акс эттирилган.¹³

Қадимги даврдан ўрта асрларга ўтиш бадиий маданиятда чуқур инқирозларни юзага келтирди; тасвирий санъатнинг айрим турлари вужудга келди, мавжудлари йўқолиб кетди. Черков ва давлат эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган санъат турлари: ибодатхона тасвирлари, икона ва китоб миниатюраси муҳим аҳамият касб этди. Қадимги ижодий услуб ўрнига ўрта асрларга хос хусусиятлар жумладан, шартлилик шаклланди; ҳайкалтарошлик инқирозга учради, қадимги нафис шакллар емирилди, маълум даврдан кейин Византия санъатида ҳайкалтарошлик бутунлай йўқолиб, фақат бўртма тасвирларда сақланиб қолди. Бадиий ҳунармандлик буюмлари, масалан тош, суяк, металл, V-VI- асрлар черков кошинлари: Авлиё Георгий черкови, IV-аср охиридагина қадимги оҳанглар муҳим бўлиб, борлиқ гўзаллигини аввалгидек ҳис этиш сезилиб туради. Қадимги усуллар Византия санъатида китоб миниатюраларида такрорланди, масалан «Иисус Навин ўрамли ёзувлари»; ранг тасвирнинг барча турлари диний мавзудаги тасвирларни ишлашга бўйсундирилди. Меъморий манзаралар ўрнини мавҳум ҳашамдор тилла замин эгаллади, тасвирлар текис юзали қилиб ишланди.

IX—X-асрларда ибодатхона деворий расмлари доимий бир тизимга келтирилди; девор ва гумбазлар қатъий тартибдаги кошинқори безаклар ва фрескалар билан қопланди, ички безакларда ягона мазмунга бўйсундирилган

¹³ Гулянский Н. Ф. "История архитектуры". М. , 1984 г.с.260

меъморий бадиий муҳит, бунга иконалар ҳам киради, яратилди: Аё София ибодатхонаси, VI—аср, Афина яқинидаги Дафна монастири, XI-аср, мозаикалари, «Владимир Момо Ҳавоси» иконаси ва бошқалар.

Хулоса

Ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида Президентимиз шундай ёзади:” Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”¹⁴

Ўрта асрнинг муҳим маданият ўчоқларидан бири Византия давлатидир. Шарқий Рим империяси ҳудудида 395 йилда вужудга келган бу давлат 1453 йилга қадар ҳукм сурди. Варварлар ҳужумидан бир мунча четда бўлган бу давлат узоқ вақт давомида антик турмуш ва маданиятнинг анъаналарини сақлаган ҳолда, аста секинлик билан янги - феодал муносабатлари жамиятига ўта бошлади.

Бу ерда антик архитектура анъаналари эъзозланди ва давом эттирилди. Шу билан бирга, бу анъаналар мустаҳкамланиб бораётган феодализм қоялари, христиан дини ғояси билан бойитилди.

Византия архитектурасида идеал образга эга бўлган муносабат ўз қийматини сақлаб қолди.

Византия меъморчилигининг ўзига хос томонларини IV асрда унинг майдонида христиан динининг кириб кела бошлаган давридан шакллана бошлади.

Бу хусусият Византиянинг дастлабки гуллаган даври VI-VII асрларда яққол намоён бўлди. Константинопол бу даврда катта Византия империясининг фақат сиёсий маркази эмас, балки маданий ўчоғига ҳам айланди. «Иккинчи Рим» деб ном олган бу шаҳарда монументал қурилиш санъати ривожланди.

Бу ерда хашаматли монастыр ва ибодатхоналар ансамблини яратиш

¹⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008й.

етакчи ўринни эгаллайди. Бу ансамбл хиллари ранг-баранг. Айниқса, Византия учун антик ижтимоий маъмурий биноларни қуриш санъати анъаналари асосида қурилган марказий гумбазли ва чўзиқ базилика хилидаги ибодатхоналар қурилиши характерлидир.

Бу биноларда ички интерьернинг фазовий кенглиги христиан ибодати талаби асосида ечилгандир. Бу бинолар ташқи кўринишидан содда, вазмин, лекин ички кенглик ниҳоятда нафис ва серхашамдир. Шу мақсадда меъмор интерьер учун ёрқин, сержило мрамор, олтин ва шунга ўхшаш қимматбаҳо материаллардан кенг фойдаланган. Нур ва соянинг хона ичидаги мослиги унга алоҳида сирли ва сеҳрли куч бахш этган.

Илк Византия ибодатхонасининг намунаси - Равеннадаги уч нефли Сант Аполлинаре Нуово базиликасида шу хусусият ўз ифодасини топган. Чўзиқ базилика типидида ишланган бу ибодатхонанинг марказий кенг нефи тепадаги дарчалардан тушаётган нурлар ҳисобига янада тантанаворлик кашф этади. Ўн нефлар устунларнинг ритмини янада оширади. Асосий диққатни диний маросимлар ўтадиган майдонга йуналтирилган.

Авеннадаги марказий куббали Сан Витале черкови (521-547) нинг ички қисми девор ва поллари рангга бой мозаика билан безатилган, рангли мрамор билан пардозланган. Византия меъморчилиги услуги грек ва рим меъморчилиги анъаналарининг маҳаллий анъаналар билан уйғунлашишидан вужудга келди.

Жумладан, Константинополдаги Аё София ибодатхонаси ўз конструктив тузилиши жиҳатидан Пантеон ибодатхонаси конструкциясига ўхшаб кетади, лекин бу ўхшашлик бир мунча яширинган ҳолда талқин этилиши билан характерланади.

Византияликлар грек-рим арк-гумбаз тизимидан ҳам ўз мақсадларини ифодалаш учун фойдаланганлар. Византия меъморлигида хона кенглигига алоҳида эътибор берилишини такидлаш лозим. Интерьер фазоси фаол, таъсирчан, хаяжонли. Хона ичининг кенглиги, чексиз ва улуғвор бўлиб туюлиши, серхашамлилиги билан кишига психологик таъсир ўтказишга

қаратилган. Византия меъморчилиги ва маданияти жаҳон халқлари меъморчилиги санъатини ҳамда маданиятини ривожланишига катта таъсир ўтказди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998й.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008й.
3. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 1, 2 - ж. Тошкент. 1979.
4. Архитектурное наследство. Сборники 1 — 48. М. , 1990.
5. Брунов Н. И. Очерки по истории архитектуры. Раздел Византийская архитектура.
6. Виппер Р.Ю. История средних веков. Курс лекций. Санкт-Петербург. 2001.
7. Всеобщая история архитектуры в 12 томах. Том-3. -М. , 1977 г.
8. Всемирная история в 10 томах. Том-3. – М; 1987.
9. Гулянский Н. Ф. "История архитектуры". М. , 1984 г.
10. История Византии. В трех томах. Том 1. М., 1970.
11. История средних веков. В 2-томах. том 1.М.2005.
12. Қадимги дунё ва Ўрта асрлар меъморчилиги тарихи. Маърузалар матни. СамДАҚИ. 2000-й.
13. Кулаковский Ю. А.. История Византии. Том 1., -М; 1989г.
14. Семёнов. В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. Тошкент, 1973 й.
15. Удальцова З. В. Италия и Византия в VI веке. –М; 1977
16. Успенский Ф. И.. История Византийской империи. М. Мысль. 1996
17. Ўрта асрлар тарихидан изохли луғат. Тошкент, 1979 й.
18. Хрестоматия по истории средних веков. Часть 1.Москва,1980 г.
19. Интернет сайтлари:
<http://ru.wikipedia.org/wiki>
<http://www.КМ.ru>;
<http://megabook.ru>;
<http://zacheta.net.ua/referat-12091.html>;
<http://rambler.ru>;

<http://ziyo.net.uz;>

www.google.uz

www.region.uz

www.ilm.uz

Таянч тушунчалар:

1. Алтарь – меҳроб, черков меҳроби

2. Арка – арк, тоқ, пештоқ
3. Аркада – арklar, пештоқлар – йўлак шаклида кетма-кет қурилган пештоқлар
4. Архитектура – меъморчилик, бинокорлик санъати
5. База – пойдевор, таккурси
6. Базилика – қадимги ва ўрта асрлар архитектурасида ички қисми қатор устунлар билан бир неча қисмга бўлинган бино
7. Барабан – бино гумбазини ушлаб турадиган қисм
8. Барельф – текис юзага бўрттириб ишланган сурат ёки нақш
9. Блок – оғир юкларни кўтариш учун қилинган махсус асбоб
10. Галерея – бино ичидаги узун, тор бўлак ва шунингдек бинонинг олдида солинган узун ойнаванд айвон
11. Инкрустация – бирон буюмга бошқа материалдан(садаф, суяк) қадаб нақш солиш.
12. Капитель – устун қоши, тоқи равоқ, яъни устуннинг шипга туташадиган юқори қисми
13. Квадрат – ҳамма томони барабар тўртбурчак
14. Колонна – устун, тош устун
15. Колоннада – қатор-қатор устунлар
16. Миниатюра – металл, ёғоч ва шу кабиларга ишланган нафис нақш
17. Монумент – ҳашаматли, маҳобатли
18. Пролет –равоқ
19. Псалтир – Инжилнинг тўрт китобидан бири, диний қўшиқлар ёки оятлар ёзилган китоб
20. Порттик – пешайвон
21. Распор – иншоотларда вертикал куч таъсири остида пайдо бўладиган горизонтал куч
22. Фасад – олд томон, юз, ўнг
23. Цоколь – бино, иншоот деворининг пастки, қалинроқ қисми